

# СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 19 (1343) • 2020 йил 12 май

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОҒДА

● Пандемия даврида пул маблағларини фойдаланиш қарзга бериш масалалари

2-бет

● 2020 йилда  
Фойда солиғи  
қандай тўланади

● Экспертларимизнинг  
тавсиялари мисоллар  
билан

3-бет

● Коллеж ўқувчисини ишга  
олдик. Бизга имтиёз борми?

4-бет

● Қонун ҳужжатларида  
қандай янгиликлар бор?

5-12-бетлар

● Адвокатлик бюроси:  
қандай солиқларни тўлайди,  
қандай ҳисоботларни  
топширади?

13-бет

● Тезкор штабга божхонага  
оид тушган саволлар

14-15-бетлар

● У контрабандачиларга  
қарши мардонавор пешвоз  
чиқа олди...

16-бет

✓ КОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ТЎҚИМАЧИЛИК: КОМПАНИЯЛАРГА ФАОЛИЯТИНИ ТИКЛАШГА ЁРДАМ БЕРИЛАДИ


Президентнинг 5.05.2020 йилдаги ПФ-5989-сон Фармони (ҳужжатнинг матни «СБХ» газетаси ушбу сонининг ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда) билан тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгиланди.

Хужжатда пандемия билан боғлиқ жаҳон иқтисодий инқирозининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ривожланишига салбий таъсирини юмшатишга қаратилган комплекс чора-тадбирлари назарда тутилган.

● **биринчидан**, пахта толаси учун нарх шакллантириш ва ҳисоб-китобнинг янги тартиби жорий этилмоқда:

● маҳаллий ишлаб чиқарилган базавий сифатдаги пахта толасининг бошланғич нархи Нью-Йорк товар биржасининг энг яқин етказиб бериш ойи учун фьючерс котировкаси қийматидан келиб чиққан ҳолда сотувчи томонидан белгиланади;

● маҳаллий тўқимачилик қорхоналарига биржа савдоларида 2020 йил 1 апрелга қадар миллий валютада сотилган пахта толаси учун яқуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш муддати 90 кундан 150 кунгача узайтирилади;



● **иккинчидан**, рўйхатга асосан импорт қилинадиган хом ашё ва материаллар 2022 йил 1 январга қадар божхона божи тўлашдан озод қилинди;

● **учинчидан**, 2020 йил 1 майдан 31 декабрга қадар ҚҚСни қайтаришнинг соддалаштирилган тартиби амал қилади. Қалава ва толадан ташқари, экспорт қилинадиган тўқимачилик ва тикув-трикотаж товарлари (хизматлари) учун фойдаланилган, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) солиқ суммаси тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати қорхонасининг Ўзбекистон банкидаги ҳисобрақамига келиб тушган валюта тушуми суммасидан қатъи назар, ҳисобга олинади ҳамда экспорт

қилувчининг ўрнатилган тартибда бериладиган аризасига асосан қайтарилиши шарт.

ҚҚСнинг қайтарилган суммаси ёки унинг бир қисми 5 кун ичида пеня ҳисобланган ҳолда Давлат бюджетига қайтарилиши шарт агар:

● товарлар экспорт божхона режими остида чиқарилган кундан эътиборан 180 календарь куни ичида валюта тушуми ёки унинг бир қисми экспорт қилувчининг Ўзбекистон тижорат банкларидаги ҳисобрақамига келиб тушмаган бўлса;

● аризада қайтарилиши кўрсатилган ҚҚС суммаси асосланган тартибда камерал солиқ текширувидан ўтказиш давомида ғайриқонуний ҳисобга олинганлиги аниқланган бўлса.

2-бетда

✓ ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ

## МАҲАЛЛИЙ ЭКСПОРТЧИЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ КЕНГАЙТИРИЛДИ

Тегишли чора-тадбирлар Президентнинг 2020 йил 7 майда имзоланган ПҚ-4707-сон «Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган.

● **Биринчидан**, экспорт қилувчиларнинг ташиш харажатлари энди автомобиль ва ҳаво транспортдан фойдаланишда ҳам компенсация қилинади (50%гача миқдорда). Эслатиб ўтамиз, дастлаб экспорт қилишда фақат темир йўл транспортида ташишга субсидиялар тақдим этиларди. Янги тартиб 2020 йил 1 апрелдан бошлаб амалга оши-

рилган экспорт бўйича етказиб беришларга татбиқ этилади.

● **Экспорт қилишда** транспортда ташиш харажатларининг бир қисми компенсация қилинадиган маҳсулотлар рўйхати 68 позициягача кенгайтирилди. Республика ҳудудлари ва тармоқлари экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича комиссия унга кейинги тузатишларни киритади. Шунингдек, у субсидиялар тақдим этиш шартлари ва миқдорларини белгилаш ҳамда тартибини тасдиқлаш, шунингдек, маҳсулот тури, ҳажми ва экспорт йўналишига қараб уларнинг қатъий миқдорларини белгилашга ҳақли.

● **Иккинчидан**, 2021 йил 1 январга қадар товарларнинг божхона расмийлаштирувини амалга оширишда мажбурий тўловлар (барча турдаги) ва ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлик мавжудлиги текширилмайди. Бу жисмоний шахсларга ҳам, юридик шахсларга ҳам тааллуқли.

● **Учинчидан**, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспорт қилувчилар гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда суғурта муқофоти қоплашга компенсациялар тақдим этилади.

Олег ЗАМАНОВ, «Norma» МЧЖ эксперти.

## ТЎҚИМАЧИЛИК: КОМПАНИЯЛАРГА ФАОЛИЯТИНИ ТИКЛАШГА ЁРДАМ БЕРИЛАДИ

**1-бетда** Юқорида таърифланган содда-лаштирилган тартиб тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарига улар томонидан охириги 12 ой давомида товарлар экспорти амалга оширилган, экспорт қилинган товарлар бўйича \$10 мингдан кўп миқдорда муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд бўлмаган тақдирда татбиқ этилади. Бунда, товарлар экспорт божхона режими остида чиқарилган кундан эътиборан 180 календарь куни ичида валюта тушуми экспорт қилувчининг маҳаллий банкидаги ҳисобрақамига келиб тушмаган тақдирда, дебитор қарздорлик муддати ўтган деб ҳисобланади.

**тўртинчида,** 2020–2025 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари, шунингдек, тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарини ай-

ланма маблағлар билан таъминлашга қўшимча молиялаштириш йўналтирилади. Жумладан:

- янги инвестиция лойиҳалари молиялаштирилади;
- икки-уч сменали иш режимидаги ишлаб чиқариш, энг аввало, тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини тиқиш фаолияти учун револьвер кредитлар тақдим этилади;
- мустақкам экспорт шартномаларига эга бўлган тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарини экспорт олди молиялаштириш ҳажмлари кенгайтирилади.

Мамлакатимиз божхона чегараси орқали олиб чиқишда қуйидаги йиғим белгиланмоқда:

а) 2021 йил 1 январдан бошлаб – олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калага учун \$0,01;

б) ҳар бир килограмм ип-калага ва трикотаж мато учун:

- 2022 йил 1 январдан – \$0,05;
- 2023 йил 1 январдан – \$0,1;
- 2025 йил 1 январдан – \$0,2.

2020 йилда давлат маҳаллий корхоналардан қуйидагиларнинг қўшимча ҳажмларини сотиб олади:

- қариялар уйларига етказиб бериш учун кийимлар ва пойабзаллар комплекслари, шунингдек, ёлғиз ва кам таъминланган қариялар учун киши кийимлар ва пойабзаллар комплекслари;
- Мудофаа вазирлиги, ИИВ ва ФВВ тизими ходимлари ва ҳарбий хизматчилари учун формали кийимлар ва пойабзаллар комплекслари;
- Муоффаа вазирлиги, ИИВ ва ФВВ муассасалари, касалхоналар, болалар боғчалари, қариялар уйлари учун чойшаблар, тўшақлар, ёстиқлар, ўрин ёпинғичлари ва бошқа тўқимачилик маҳсулотлари комплекслари;

• давлат захираси номенклатураси бўйича тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотлари.

Бозор иштирокчиларига истиқболсиз экспорт шартномалари ўрнига янги шартномаларни тузиш, жаҳон брендлари вакиллари билан музокаралар ўтказиш, халқаро сертификатлар олишга ёрдам беришди. Фармоннинг йирик тўқимачилик корхоналарида уларнинг унумдорлиги, молиявий самарадорлиги ва рақобатбардошлигини аниқлаш юзасидан стресс-тестлар ўтказилди. Йирик худудий тўқимачилик-тикувчилик кластерлари ривожлантирилади.

1 сентябрга қадар Ҳукумат 2021–2025 йилларга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайди – ҳар бир янги тикувчилик-тўқимачилик ишлаб чиқариши машҳур халқаро брендлар маҳсулотларини реализация қилиши ва камида 1 000 та иш ўрнини ташкил этиши лозим.

**Олег ЗАМАНОВ,**  
«Norma» МЧЖ эксперти.

### БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

## ФОИЗСИЗ ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ДАРОМАДНИ СОЛИҚЛАРДАН ОЗОД ЭТИШ

Коронавирус пандемияси даврида ҳўжалик юртишнинг мураккаб шартларида корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг вариантларидан бири пул маблағларини қарзга бериш, шу жумладан фойзсиз асосда қарзга бериш бўлиши мумкин.

Президентнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (03.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон) билан инқирозга қарши чоралар рўйхати белгиланган, улар орасида фойзсиз қарзлар (молиявий ёрдам) бўйича даромадни жорий йилнинг охиригача солиқ солишдан озод қилиш мавжуд. Имтиёз фойда солиғи ва айланмадан олинган солиқ ҳисоблаб чиқарилган тақдирда қўлланилади. Имтиёз йил охиригача амал қилади.

нинг қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиқиб аниқланади (СК 299-м. 4-қ.).

Бундай ҳисоб-китобни фақат солиқ солиш мақсадларида бажариш зарур. Бухгалтерия ҳисобида қарз маблағларидан бегараз фойдаланишдан олинган даромад акс эттирилмайди.

### МИСОЛ. 2020 йилда қарз маблағларидан бегараз фойдаланишдан олинган даромадни аниқлаш

1 февралда фойда солиғи тўловчи корхона 10 000 минг сўм миқдорда 6 ойга фойзсиз қарз олди. Қарз олинган санада қайта молиялаштириш ставкаси – 16%. Уни қайтариш санаси – 31 июль. Қарздан бегараз фойдаланишдан олинган даромадни фойдаланилган кунлар сонидан келиб чиқиб аниқлаймиз:

Кўрсаткич	Одатдаги ҳисоб-китоб, минг сўм	Имтиёзни инобатга олган ҳолда ҳисоб-китоб, минг сўм
Фойзсиз қарз бўйича даромад		
I чорак	10 000 x 16% : 366 x (29+31) = 262,3	262,3
II чорак	10000 x 16% : 366 x (30+31+30) = 397,8	–
III чорак	10 000 x 16% : 366 x 30 = 131,1	–
2020 йил	791,2	262,3

**!** Мазкур чора 2020 йил апрелга қадар тақдим этилган қарзларга ҳам татбиқ этилади. Бунда солиқ солишдан озод этиш 2020 йилнинг 1 апрелидан 31 декабрга қадар амал қилади.

Қарз олувчи пул маблағларидан фойз тўлаш мажбуриятсиз фойдаланиши туфайли фойзсиз қарз бўйича даромад юзага келади. Солиқ солиш мақсадларида даромад қарз олиш санасида МБ-

Одатдаги шартларда корхона 791,2 минг сўмни 2020 йил учун Фойда солиғи ҳисоб-китобига 1-илова «Жами даромад»нинг 070-сатрида акс эттирган ҳолда уни жами даромадга киритган бўлар эди (3-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Инқирозга қарши чораларни инобатга олган ҳолда Ҳисоб-китобга 1-илованинг 070-сатрида I чорак учун 262,3 минг сўм акс эттирилади.

2020 йилнинг II чорагидан бошлаб фойзсиз қарз бўйича даромадни ҳисоб-китоб керак эмас. У Президентнинг ПФ-5978-сон Фармонининг 15-бандига мувофиқ солиқ солишдан озод этилган. Фойда солиғи ҳисоб-китобига кўрсаткичлар ўсиб борувчи яқун билан кўрсатилиши боис, 2020 йилнинг II-IV чорақларида Ҳисоб-китобга 1-илованинг 070-сатрида 262,3 минг сўм суммасини акс эттиради.

**!** Даромадни қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиқиб аниқлаш қоидалари:

- банкларро операцияларга ва кредит ташкилотлари томонидан берилган кредитларга;
- Ҳукуматнинг қарорларига кўра ҳамда ЎзРнинг норезидентлари томонидан берилган қарзларга (ссудаларга);
- консолидациялашган гуруҳнинг бир иштирокчиси томонидан айна шу гуруҳнинг бошқа иштирокчисига берилган қарзларга нисбатан татбиқ этилмайди (СК 299-м. 5-қ.).

**Шоҳиста ЯКУБОВА,**  
«Norma» МЧЖ эксперти.

**УШБУ СОНДА:**

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР** – Тўқимачилик: компанияларга фаолиятини тиклашга ёрдам берилади **1-2-бетлар**
- **ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ** – Маҳаллий экспортчиларни қўллаб-қувватлаш кенгайтирилади **1-бет**
- **БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ** – Фойзсиз қарзлар бўйича даромадни солиқлардан озод этиш **2-бет**
- **БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР** – 2020 йилда фойда солиғи қандай тўланади **3-бет**
- **СОЛИҚ СОЛИШ** – Фақат битирувчилар учун имтиёзлар

– Олий ўқув юртида таълим олиш: тўлов вариантлари

– Хизматларни импорт қилишда фойда солиғи

– Воситачилик шартномаси бўйича ҚҚС **4-бет**

• **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

– «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:

– «Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, кишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

– «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида».

Идораий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат

– ЎзР МБ бошқарувининг «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори **5-12-бетлар**

• **ЖАВОБ БЕРАМИЗ**

– Код ўзгартирилса – мақом ҳам ўзгаради

– ҚҚС: шартсиз имтиёзлар

– ҚҚС бўйича харажатлар – фойда солиғи ҳисоб-китобига

– Адвокатлар хайъатига солиқ солишнинг ўзинга хос жиҳатлари **13-бет**

• **БОЖХОНА**

– ТИФ иштирокчилари саволларига ДБКдан жавоблар

– Божхоначилар «Саховат ва кўмак» тадбирларида фаол

– Шерободаги мактабда божхоначиға бюст ўрнатилди

– Ноутбук халтасида қандай «мужда» бор эди **14-16-бетлар**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқар ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davry nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

## 2020 ЙИЛДА ФОЙДА СОЛИҒИ ҚАНДАЙ ТўЛанади

Хўжалик юритиш фаолиятининг қисқариши шароитларида фойда солиғи тўловчилари бўнақ тўловларини аввалги чорак якунлари бўйича эмас, балки қўтилаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб бўнақ тўловлари суммаси тўғрисида маълумотнома тақдим этиш воситасида тўлаш ҳуқуқига эга бўлишди (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармоннинг 15-б. 10-хатбошиси).

Фойда солиғи бўйича бўнақ тўловларини ҳисоблаб чиқариш учун маълумотнома тақдим этиш – бу сизнинг мажбуриятингиз эмас, балки ҳуқуқингиздир.

Ушбу инқирозга қарши чораларни қилар қўлаш лозимлигини кўриб чиқамиз.

**1. 2019 йил учун жами даромади 5 млрд сўмдан ошмайдиган корхоналар** фойда солиғи бўйича бўнақ тўловларини тўламайди (СК 340-м. 2-қ.). Улар солиқни фақат ҳисобот даври якуни бўйича тўлайди.

Тегишинча, ҳар чоракнинг якунлари бўйича улар, агар мавжуд бўлса, солиқни ҳақиқатда солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб тўлашлари лозим.

Мазкур солиқ тўловчилар тоифаси бўнақ тўловлари тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиши шарт эмас.

Шунингдек, даромаднинг миқдоридан қатъи назар, қуйидагилар бўнақ тўловларини тўламайди:

- бюджет ташкилотлари;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари, бундан матлубот кооперативлари мустасно (СК 339-м. 6-қ., 340-м. 12-қ.).

**2. 2019 йил учун жами даромади 5 млрд сўмдан ошадиган корхоналар** фойда солиғи бўйича бўнақ тўловларини ҳисобот даври ҳар бир ойнинг 23-қунидан кечиктирмай тўлайди (СК 340-м. 2-қ.).

Бўнақ тўловлари суммаси солиқ органлари томонидан аввалги чорак кўрсаткичларидан келиб чиқиб аниқланади.

Агар II чорак ва кейинги даврларда солиқ солинадиган фойданинг I чоракка нисбатан қисқариши кутилса, сиз бўнақ тўловларини ҳисоблаб чиқариш учун маълумотнома тақдим этишингиз мақсадга мувофиқдир.

Сиз бўнақ тўловлари суммасини ҳисобот даври учун тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб мустақил равишда ҳисоблаб чиқариш ва бўнақ тўловлари тўғрисида маълумотнома тақдим этишга ҳақлисиз. Бу ҳолда бўнақ тўловларини аввалги чорак якунлари асосида ҳисоблаш бўйича талаб бекор қилинади.

Бўнақ тўловлари тўғрисида маълумотнома жорий ҳисобот даврининг биринчи ойи 20 санасидан кечиктирмай тақдим этилади, (МВнинг 16.04.2020 йилдаги 06/04-01-03-32/1107-сонли хатининг 5-б.) яъни:

- II чорак учун – 2020 йилнинг 20 апрелидан кечиктирмай;
- III чорак учун – 2020 йилнинг 20 июлидан кечиктирмай;
- IV чорак учун – 2020 йилнинг 20 октябридан кечиктирмай.

**МИСОЛ. Корхона маълумотнома асосида бўнақ тўловларини тўлайди**

Ишлаб чиқариш корхонасининг 2019 йил учун жами даромади тузатишларни ҳисобга олганда 5 млрд сўмдан ошади, шу сабабли 2020 йилда у фойда солиғи бўйича бўнақ тўловларини тўлайди.

2020 йилнинг I чораги учун тақдим этилган солиқ ҳисоботида асосан фойда солиғи суммаси 480 млн сўмни ташкил этди.

СК бўйича бўнақ тўловларини тўлаш тартибидан келиб чиқиб корхона II чоракда ҳар ойда 160 млн сўм миқдоридан (480 / 3) бўнақ тўловини тўлаши даркор эди.

Бироқ 2020 йилнинг II чорасида корхонанинг даромадлари кескин камайди. Корхонанинг тахмин қилинича, унинг 2020 йилнинг II чораги учун солиқ солинадиган фойдаси 900 млн сўмни ташкил этиб, ундан 135 млн сўм (900 x 15%) миқдоридан фойда солиғи тўлаш лозим.

Давр	I чорак учун ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан келиб чиқиб бўнақ тўловлари, млн сўм	Маълумотномага асосан бўнақ тўловлари, млн сўм
Апрель	160	45
Май	160	45
Июнь	160	45
<b>Жами чорак учун</b>	<b>480</b>	<b>135</b>

Жадвалдан кўринадики, маълумотнома тақдим этиш корхонага бўнақ тўловларини 345 млн сўмга (480 – 135) қисқартириш ва ушбу суммани бошқа мақсадлар учун йўналтириш имконини беради.


Корхона фойда солиғининг якуний суммасини 2020 йил 20 июндан кечиктирмай солиқ ҳисоботини тақдим этган ҳолда I ярим йиллик якунлари бўйича аниқлайди. Агар солиқ суммаси ҳисоботга кўра тўланган бўнақ тўловлари суммасидан ошса, корхона худди шу муддатда фарқни қўшимча тўлаб беради.

**mysoliq.uz** да жойлаштирилган Бўнақ тўловларини ҳисоблаб чиқариш учун маълумотнома шаклига асосан корхона:

- 010-сатрда – ҳисобот даври учун қўтилаётган солиқ солинадиган фойда – 900 млн сўмни;
- 020-сатрда – солиқ ставкаси – 15%ни кўрсатади.

Қуйидагилар автоматик тарзда ҳисобланади:

- 030-сатрда 010-сатр x 020-сатр формуласи бўйича фойда солиғи суммаси. Кўриб чиқилаётган мисолда 135 млн сўм (900 x 15%);
- 040-сатрда 030-сатр / 3 формуласи бўйича ҳар ойлик бўнақ тўловлари суммаси. Бу мисолда – 45 млн сўм (135 / 3).



Бўнақ тўловлари суммасини камайтириши ҳуқуқини сулҳистеъмол қилманг. Солиқ органларида фойда солиғи бўйича бўнақ тўловлари тўғрисида тақдим этилаётган маълумотномаларга ўзгартиришлар киритиш ваколати мавжуд (ПФ-5978-сон Фармоннинг 15-б.).

**3. 2020 йилда жами даромади 5 млрд сўмга етган корхоналар.**

Агар сизнинг корхонангиз 2020 йил мобайнида 5 млрд сўм миқдордаги чегарага етган бўлса, сиз 5 млрд сўм миқдордаги чегарага етган чоракдан кейинги чоракдан бошлаб бўнақ тўловларини тўлашингиз керак (СК 340-м. 8-қ.). Бу қоида янгидан ташкил этилган корхоналарга ҳам тааллуқли.

Даромадлар қисқарган тақдирда сиз бўнақ тўловлари тўғрисида маълумотнома тақдим этишга ҳақлисиз.

**МИСОЛ. Янгидан ташкил этилган корхона томонидан бўнақ тўловлари тўланиши**

Корхона 2020 йил январь ойида рўйхатдан ўтказилган. I чорак учун жами даромади 4,8 млрд сўмни, 4 ой (январь–апрель) учун эса – 5,1 млрд сўмни ташкил этди. II чоракда даромад 5 млрд сўмдан ошганлиги боис корхона III чоракдан бошлаб бўнақ тўловларини тўлашни бошлайди. Яъни биринчи бўнақ тўлови 23 июндан кечиктирмай амалга оширилади.

Реализация қилиш ҳажмлари қисқарганлиги муносабати билан корхона:

- III чорак учун – 2020 йил 20 июлга қадар;
- IV чорак учун – 2020 йил 20 октябрга қадар бўнақ тўловлари тўғрисида маълумотнома тақдим этишга ҳақли.

Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сизга фойда солиғини тўлашдан тўлиқ озод қилиш кўринишида имтиёз берса, Жорий тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун маълумотноманинг 010 ва 020-сатрларида «0» қийматини кўрсатинг. Аниқлаштирувчи Маълумотнома тақдим этилган тақдирда фақат фарқ суммасини (сўб бормайдиган якун билан) кўрсатинг. Агар сиз маълумотномани белгиланган муддатларда тақдим этмаган бўлсангиз, СКда белгиланган тартибда аввалги чорак кўрсаткичларидан келиб чиқиб бўнақ тўловларини тўлашингиз керак.

Олег ЦОЙ, «Norma» МЧЖ эксперти.

## РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

www.norma.uz

## ФАҚАТ БИТИРУВЧИЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР

**?** Корхона коллеж ўқувчисини ярим ставкага ишга қабул қилди. Касб-хунар коллежи ўқувчиси бўлган ходим бўйича корхонада қандай солиқ оқибатлари юзага келади?

– Таълим муассасалари ўқувчилари эмас, балки битирувчилари ишга қабул қилинганда корхона учун имтиёзлар назарда тутилган.

Ушбу имтиёзларга мувофиқ корхона:

1) ходимларнинг ўртача йиллик сонини белгиланган нормативдан кўпи билан 50%га ошириши мумкин. Бунда кичик корхона ёки микрофирма мақоми сақланиб қолади (28.07.2010 йилдаги ПФ-4232-сон Фармоннинг 1-банди). Ходимлар сонининг оширилишига йўл қўйилади, имтиёзлар ва преференциялар эса Ўзбекистон Республикасининг мазкур таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина тақдим қилинади;

2) касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари ишга жойлашган бўлса (бюджет ташкилотлари, табиий монополиялар субъектлари ва устав фондида давлат улуши 50%дан ортиқ бўлган ташкилотлар бундан мустасно), ижтимоий тўлов ставкасини қуйидагича камайтиришга ҳақли бўлади (24.05.2017 йилдаги ПФ-5052-сон Фармоннинг 6-банди):

- битирувчилар ишга жойлашган биринчи йил ичида – битирувчи учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бўйича 50%га;

- битирувчи меҳнат фаолиятининг иккинчи ва учинчи йил давомида – битирувчи учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бўйича 25%га.

## ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА ТАЪЛИМ ОЛИШ: ТЎЛОВ ВАРИАНТЛАРИ

**?** Корхона ходимлари ўз иш ҳақларидан фарзандларининг олий ўқув юртида ўқиши учун тўлов тўламоқчи бўлишяпти.

Корхона тўловни тўғридан-тўғри олий ўқув юртига ўтказиши ва имтиёзни қўллаши мумкинми?

Ходимнинг пластик карточкасига унинг фарзандининг ўқишининг контракт тўловини тўлаш учун пул маблағлари ўтказилишига рухсат этиладими? Бунда ЖШДС бўйича имтиёзни қўллаш мумкинми?

Буни қандай шартнома билан расмийлаштириш лозим?

– Корхона томонидан ходимларнинг фарзандлари ўқиши учун ҳақ тўлашни турли шартномалар билан расмийлаштириши мумкин, уларнинг шартларига биноан солиқ имтиёзларини қўллаш шартлари белгиланади.

**Шартноманинг биринчи тури** – уч томонлама. У бўйича буюртмачи корхона ўзи учун мутахассис тайёрлайди, олий таълим муассасаси ижрочи ҳисобланади. Тўлов ушбу схема бўйича тўланадиган бўлса, ходимларнинг иш ҳақидан тўланган сумма ушлаб қолинмайди, балки давр харажатлари сифатида корхона харажатларига киритилади. Талаба ўқишни тамомлагач, у билан тузилган алоҳида битимда белгиланган муайян муддат мобайнида корхонада иш-

лаб берганда, солиқ оқибатлари юзага келмайди.

Фойда солиғи тўловчиси СК 305-моддасида қайд этилган шартларга риоя этиши муҳимдир. Айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар учун махсус талаблар белгиланмаган.

**Шартноманинг иккинчи тури** – олий ўқув юрти ва талаба ўртасида тузилади. Ушбу шартнома бўйича ҳақ тўлашни учун ходим корхона билан кейинчалик иш ҳақидан сўндириш шarti билан қарз шартномасини тузади. Бунда корхона олий таълим муассасасининг ҳисобрақамига пул маблағларини ўтказиши, СК 378-моддаси 16-банди бўйича имтиёз эса ходимнинг иш ҳақидан қарз суммаси ушлаб қолинганда қўлланилади.

### Эътибор беринг!

Имтиёзни қўллаш учун олий ўқув юртида ўқийдиган бола 26 ёшдан ошмаган бўлиши лозим.

Қарз суммаси ходимнинг пластик картасига ўтказилганда корхона ЖШДС бўйича имтиёзни қўллаш олмайдми, чунки солиқ чегирмаси таълим учун тўлов қуйидагилар ҳисобига амалга оширилганда тақдим этилади:

- тўланган суммаларни жисмоний шахснинг солиқ солинадиган даромадларидан кейинчалик ушлаб қолиш шarti билан берилган иш берувчининг маблағлари;

- Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртига ёки тижорат банкига олинган таълим кредитини қоплаш эвазига иш берувчи томонидан ўтказиб берилган жисмоний шахснинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари (Низомнинг 10-банди, АВ рўйхат рақами 2107, 27.05.2010 йил).

Эльвира ЖИЛЬЦОВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

**?** Компаниямиз Латвия Республикаси резиденти билан Европандан Ўзбекистонга автомобиль транспортда ташиш хизматларини кўрсатишга шартнома тузди (яъни автомобиль транспорти ЎЗР чегарасини кесиб ўтади). Норезидент Ўзбекистонда фаолиятини доимий муассаса орқали юритмаяпти.

Ҳамкоримиз белгиланган тартибда расмийлаштирилган резидентлик сертификати тақдим этганда ҳамда ушбу хужжат мавжуд бўлмаганда, солиқ агенти сифатида ташиқлотимизда норезидентнинг даромадларидан олинадиган солиқ бўйича қандай солиқ оқибатлари юзага келиши мумкин?

## ХИЗМАТЛАРНИ ИМПОРТ ҚИЛИШДА ФОЙДА СОЛИҒИ

**1. Резидентлик сертификати мавжуд бўлганда.**

Хизматларни етказиб берувчи томонидан Латвия резидентлигини расмий тасдиқловчи хужжат тақдим этилса, корхонангизда даромад тўлаш манбаида фойда солиғини ушлаб қолиш мажбурияти юзага келмайди (СК 357-м.).

**2. Резидентлик сертификати мавжуд бўлмаганда.**

Резидент томонидан резидентлик сертификати тақдим этилмаган тақдирда, тўлов манбаида солиқ СКда белгиланган ставкалар бўйича ушлаб қолинади.

Бунда юк жўнатувчидан (юкни ка-

бул қилувчидан) олинган сумма ҳамда тегишли бошланғич хужжатлар билан тасдиқланган юк ташувчига тўланадиган сумма ўртасидаги ижобий фарқ сифатида ҳисобланган ҳақ суммаси халқаро ташувларда транспорт-экспедиторлик хизматлари бўйича солиқ солиниши лозим бўлган даромад ҳисобланади. Солиқ ставкаси – 20%.

Юк ташувчининг тегишли бошланғич хужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасида резидентга тўланган жами суммага 6%лик ставкада солиқ солинади (СК 351-м. 2-қ. 11-б., 353-м. 3-б.).

Замира Жўраева,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

## ВОСИТАЧИЛИК ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ҚҚС

**?** Корхона воситачилик шартномаси бўйича маҳсулот реализация қилади ва ушбу шартномада воситачи сифатида иштирок этади. 2019 йилда у ЯСТ тўловчиси бўлган. ҚҚС тўловчи комитентга тегишли товарлар реализация қилинган. Шу муносабат билан харидорларга ҚҚС билан ҳисобварақ-фактуралар ёзиб берилган. Харидорлар томонидан ҚҚС ҳисобга олинган, ҚҚС ҳисоб-китобида етказиб берувчи сифатида воситачи кўрсатилган. 2020 йилда ДСИ кўрсатилган ҚҚС суммасини тўлашга талабномани воситачига юборди.

Воситачи солиқ инспекциясига 2019 йилда воситачилик шартномаси бўйича товарларни реализация қилишдан айланма комитентда ҚҚС солинадиган айланма ҳисобланишини қандай исботлаши мумкин?

– 2019 йилда ЯСТни тўлаган ҚҚС тўловчи ҳисобланмайдиган воситачи ҚҚС тўловчи комитентга тегишли товарларни реализация қилишда комитент товарларини реализация қилиш бўйича айланмадан ҳисобланган ҚҚС суммасини ажратиб кўрсатган ҳолда ҳисобварақ-фактурани ўз номидан харидор номига ёзиб бериши лозим эди (Тартибнинг 42-банди, АВ рўйхат рақами 3126, 21.01.2019 йил, 3-илова).

Бунда воситачилик шартномасида комитент ҚҚС тўловчи ҳисобланишини акс эттириш ҳамда воситачилик товарининг реализация қилиш қийматини ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда кўрсатиш лозим эди. Бундан ташқари, комитентга тақдим этиладиган воситачилик ҳисоботида тегишли ҚҚС суммасини кўрсатган ҳолда реализация қилинган товарлар миқдори ва қиймати ҳам кўрсатилади. Бунда ҳисоботга шартномалар, ҳисобварақ-фактуралар, далолатномалар ва воситачи томонидан комитент фойдасига товарлар реализация қилинганлигини тасдиқловчи бошқа хужжатларнинг нусхалари илова қилинади (Тартибнинг 23-банди). Комитент ушбу хужжатларга асосан ҚҚСни ҳисоблайди ва бюджетга тўлайди.

Амалиётда воситачи томонидан ҳисобварақ-фактурада ўзини етказиб берувчи сифатида кўрсатадиган ҳолатлар ҳам тез-тез учраб туради. Харидор эса ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚСни қабул қилади ва ҳисобга олади ҳамда Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобида мазкур етказиб берувчининг кўрсатади. Бирок Тартибда айтилишича, воситачи томонидан воситачилик шартномаси бўйича комитентнинг товарлари (ишлари, хизматлари) реализация қилинганда, у ўз номидан 2 нусхада ҳисобварақ-фактурани тақдим этади. Бунда «Етказиб берувчи» сатрида номига қўшимча равишда «Воситачи» деб кўрсатилади. Ҳисобварақ-фактурада воситачи ва харидорнинг реқвизитларидан ташқари комитентнинг реқвизитлари ҳам кўрсатилиши мумкин (Тартибнинг 26-банди). Ушбу банд нормаларини бажарган воситачи саволда келтирилган муаммоларни четлаб ўтиши мумкин.

ДСИ талабномасига комитент товарларни реализация қилиш бўйича айланмадан ҚҚС тўловчи сифатида кўрсатилган бошланғич хужжатларнинг нусхаларини илова қилиш ҳолда жавоб қайтаришни тавсия этамиз.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

дитивнинг қақриб олиниши тўловчининг банки учун ҳеч қандай мажбуриятни вужудга келтирмайди.

Чақриб олинмаган аккредитив шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиш бўйича маблағларни тўловчининг топшириқлари маблағларни тўловчининг банки орқали берилди ва маблағларни тўловчининг банки томонидан маблағларни олувчининг банкига, олувчининг банки томонидан эса маблағларни олувчига хабар берилди.

84. Маблағларни олувчининг банки аккредитивни ўзгартириш ёки бекор қилиш бўйича хабарнома олмаган тақдирда, қақриб олинмаган аккредитив бўйича барча операцияларни амалга оширишга мажбур.

85. Чақриб олинмайдиган аккредитив маблағларни олувчининг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

86. Маблағларни олувчининг банки қақриб олинмайдиган аккредитивни маблағларни тўловчининг банки билан тузилган шартнома асосида тасдиқлаши мумкин. Бунда қақриб олинмайдиган аккредитив тасдиқланган аккредитив ҳисобланади.

Тасдиқланган аккредитивларда маблағларни олувчининг банки тўловни амалга ошириш бўйича қўшимча мажбуриятлар олади. Тасдиқланган аккредитив маблағларни олувчининг банки розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

87. Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, нақд пулсиз тартибда амалга оширилади.

Аккредитивни бошқа шахслар номига қайта расмийлаштириш тақиқланади.

88. Маблағларни тўловчи аккредитив очиш учун унга хизмат кўрсатувчи банкка шартномани илова қилган ҳолда икки нусхада аккредитивга ариза билан мурожаат қилади. Бунда аризанинг (тўлов ҳужжатининг):

биринчи нусхаси тўловлар амалга оширилгандан сўнг банкнинг бухгалтерия кунилик ҳужжатлар йиғмажидига тижиб қўйилади; иккинчи нусхаси маблағларни тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади.

Аккредитив суммаси бир вақтнинг ўзида кўзда тутилмаган ҳолатлар баланسدан ташқари ҳисобварағига кирим қилинади.

89. Қўпланган аккредитивда назарда тутилган сумма маблағларни олувчининг банкида очилган ҳисобвараққа маблағларни тўловчининг аризасига (тўлов ҳужжати билан) асосан ўтказилади. Бунда маблағларни олувчининг банки аккредитивда назарда тутилган сумма маблағларни олувчининг ҳисобварағига келиб тушганлиги ҳақида уни хабардор қилади.

90. Маблағларни олувчининг банкига тўлов тизими орқали келиб тушган аккредитивга аризалар банк томонидан икки нусхада чоп этилиб, унинг бир нусхаси банкнинг бухгалтерия кунилик ҳужжатлар йиғмажидига тижиб қўйилади, иккинчи нусхаси – 1-сон картотекада ҳисобга олинади.

91. Аккредитивнинг мuddати тугагунига қадар маблағларни олувчи ва тўловчи ўртасида тузилган шартномада белгиланган ва маблағларни олувчи томонидан аккредитив шартлари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар икки нусхада тақдим қилинган тақдирда, тегишли сумма унинг ҳисобварағига ўтказиб берилди. Бунда банк томонидан маблағларни олувчининг аккредитив шартларига риоя қилганлиги ҳамда уларнинг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тўғри расмийлаштирилганлиги текширилиши шарт.

92. Маблағларни тўловчи ва олувчи ўртасида тузилган аккредитив бўйича шартномада белгиланган шартларнинг биттаси бажарилмаган тақдирда ҳам аккредитив бўйича тўловлар амалга оширилмайди.

93. Маблағларни олувчининг ҳисобварағига маблағларни ўтказишда банк томондан тўрт нусхада мемориал ордер расмийлаштирилиб, унинг «Тўлов мақсади» графасида тўлов қайси шартнома асосида амалга оширилётган бўлса, шу шартноманинг тартиб рақами ва санаси кўрсатилади. Бунда мемориал орденинг:

биринчи нусхаси тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси билан бирга банкнинг бухгалтерия кунилик ҳужжатлари йиғмажидига тижиб қўйилади;

иккинчи ва учинчи нусхалари уларга тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчининг банкига юборилади;

тўртинчи нусхаси шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан бирга маблағларни олувчига берилди ҳамда аккредитив бўйича тулган сумма 1-сон картотекадан ҳисобдан чиқарилади.

94. Маблағларни тўловчининг банки томонидан аккредитивнинг ижро этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат маблағларни олувчининг банкдан олингандан сўнг, аккредитив суммаси 1-сон картотекадан ҳисобдан чиқарилади ва маблағларни олувчининг банки томонидан тақдим қилинган мемориал орденинг бир нусхаси тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига берилди.

95. Аккредитив маблағларни олувчининг банкида:

аккредитив мuddати тугаган бўлса;

маблағларни олувчининг аккредитив амал қилиш мuddати тугагунга қадар ундан фойдаланишдан воз кечиши ҳақидаги аризасига кўра, агар бундай воз келиш мумкинлиги аккредитив шартларида назарда тутилган бўлса;

маблағларни тўловчининг аккредитивни бутунлай ёки қисман қақриб олиш ҳақидаги талабига мувофиқ, агар бундай қақриб олишга аккредитив шартлари бўйича йўл қўйилса, ёпилади.

Аккредитив ёпилганлиги ҳақида маблағларни олувчининг банки маблағларни тўловчининг банкни хабардор қилиши керак.

96. Аккредитив маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан хабарнома олинган кунда «Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари» 22602 баланс ҳисобварағи тегишли суммадан кам бўлмаган суммага камайтирилади ёки ёпилади.

97. Қўпланган (депонентланган) аккредитивнинг фойдаланилмаган суммаси аккредитив ёпилиши билан бир вақтда маблағларни тўловчининг банкига қайтариб берилиши керак. Маблағларни тўловчининг банки қайтариб берилган суммаларни маблағларни тўловчининг маблағлари депонентланган ҳисобварағига киритиб қўйиши шарт.

98. Аккредитивдан тўлиқ фойдаланилмаганлиги сабабли, маблағлар тўловчининг банкига қайтарилган тақдирда, банк томонидан очилган 1-сон картотека қайтарилган суммага тенг миқдорда камайтирилади.

99. Аккредитив бўйича қисман тўловлар амалга оширилган тақдирда, маблағларни тўловчининг банки ва маблағларни олувчининг банки амалга оширилган қисман тўловларни 1-сон картотекадан ҳисобдан чиқариб боради.

## 8-БОБ. ЮРИДИК ШАХСНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ВАҚТИДА МАБЛАҒЛАРНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ

100. Қайта ташкил этилаётган (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) юридик шахснинг тўлов ҳужжатлари бўйича тўловлар қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг асосий ҳисобварағидан амалга оширади.

101. Кредиторлар ва ҳуқуқий ворис ўртасида низо юзага келган тақдирда, маблағлар суд қарорига асосан ҳуқуқий вориснинг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

102. Тугатилаётган юридик шахснинг ҳисобварағидан маблағлар фақатгина тугатиш комиссияси томонидан тақдим этилганда тўлов топшириқномалари асосида ҳисобдан чиқарилади ҳамда тугатилаётган юридик шахснинг барча ҳисобварақлари тугатиш комиссиясининг ихтиёрига ўтади.

Тугатилаётган юридик шахснинг шахсий varaқаси ўз кучини йўқотган деб топилиб, унинг ўрнига тугатиш комиссияси аъзоларининг имзо намуналари туширилган шахсий varaқа расмийлаштирилади. Бунда имзо намуналари ўз кучини йўқотган деб топилмаган шахсларнинг топшириқларига асосан тугатилаётган юридик шахснинг ҳисобварақларидан маблағларнинг ҳисобдан чиқарилганлиги учун банklar жавобгар бўлмайди.

## 9-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

103. Тўлов интизомига риоя қилмаган банklar қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

104. Банklarнинг вакиллик ҳисобварақлари орқали ўтказилган операциялар, агар овердрафт (қиска мuddати кредит бериш) назарда тутилган бўлса, банklarнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар доирасида амалга оширилади.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

- «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида».
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**
- «Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»;
- «Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида».
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**
- «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида».
- **ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ**

- ЎзР МБ бошқарувининг «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ САНОАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА\*

Коронавирус пандемияси билан боғлиқ жаҳон иқтисодий инқирозининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантиришдаги салбий таъсирини юмшатиш мақсадида:

#### 1. Белгилансинки:

маҳаллий ишлаб чиқарилган базавий сифатдаги **пахта толасининг бошланғич нархи** Нью-Йорк товар биржасининг энг яқин етказиб бериш оyi учун фьючерс котировкаси қийматидан келиб чиққан ҳолда сотувчи томонидан белгиланади;

маҳаллий тўқимачилик корхоналарига биржа савдоларида 2020 йил 1 апрелга қадар миллий валютада сотилган **пахта толаси** учун яқиний **ҳисоб-китобларни** амалга ошириш мuddати **90 кундан 150 кунгача** узайтирилади.

2. Иловага\*\* мувофиқ импорт қилинадиган хом ашё ва материаллар 2022 йил 1 январга қадар божхона бoжи тўлашдан озод қилинсин.

3. Белгилансинки, 2020 йил 1 майдан 31 декабрга қадар **қўшилган қиймат солигини қайтаришнинг соддалаштирилган тартиби амал қилади**, унга биноан калава ва толадан ташқари, экспорт қилинадиган тўқимачилик ва тикув-трикотаж товарлари (хизматлари) учун фойдаланилган, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлари) бўйича тўланиши лoзим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхонасининг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисоб-рақамига келиб тушган валюта тушуми суммасидан қатъи назар, ҳисобга олинди ҳамда экспорт қилувчининг ўрнатилган тартибда берилadиган аризасига асосан қайтарилиши шарт.

Бунда, қўшилган қиймат солигининг қайтарилган суммаси ёки унинг бир қисми товарлар экспорт божхона режими остида чиқарилган кундан эътиборан бир юз саксон келадигар кун ичида валюта тушуми ёки унинг бир қисми экспорт қилувчининг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисоб-рақамига келиб тушмаган тақдирда, шунингдек, аризада қайтарилиши кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммаси асосланганлигини кималар солиқ текширувидан ўтказиш давомида аниқланган

гайриқонуний ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи суммаси 5 кун ичида пеня ҳисобланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилиши шарт.

Қўшилган қиймат солигини қайтаришнинг мазкур банд билан белгиланган соддалаштирилган тартиби тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарига улар томонидан охириги 12 ой давомида товарлар экспорти амалга оширилган, шунингдек, экспорт қилинган товарлар бўйича 10 минг АҚШ долларидан кўп миқдорда мuddати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд бўлмаган тақдирда татбиқ этилади. Бунда, товарлар экспорт божхона режими остида чиқарилган кундан эътиборан бир юз саксон календарь кун ичида валюта тушуми экспорт қилувчининг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисоб-рақамига келиб тушмаган тақдирда, дебитор қарздорлик мuddати ўтган деб ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда қуйдагилар бўйича **идоралараро ишчи гуруҳлари таркибини тасдиқласин:**

тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг хом ашёлари, материаллари, тайёр маҳсулотлари, шунингдек, ишлаб чиқариш ҳодимларини ташвиш ва лoгистика масалаларини тезкор ҳал этиш – транспорт вазири **Э.Ганиев** бошчилигида;

ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари таннархини пасайтириш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш – молия вазири **Т.Ишметов** ва Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари **М.Мирзаев** бошчилигида;

янги истиқболли ташқи бозорларни излаш, маҳаллий тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари экспортини рағбатлантириш – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари **А.Воитов** бошчилигида;

либослар дизайни ва коллекцияларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни тармоқ корхоналарига жорий қилиш – «Ўзтўқимачилик-саноат» уюшмаси раиси **И.Хайдаров** бошчилигида.

\*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 6.05.2020 йилдан кучга кирди.

\*\*Фармонга илова «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси:

бир ой муддатда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини етказиб бериш бўйича экспорт шартномаларини глобал карантин чекловлари шароитида бажариш истиқболлари нуктаи назаридан батафсил ўргансин ва **истиқболсиз экспорт шартномалари ўрнига**, биринчи навбатда, карантин чора-тадбирлари юмшатилаётган давлатлардаги ҳамкорлар билан янги шартномалар тўзишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатсин;

икки ой муддатда экспортга йўналтирилган тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларига ихтисослашган **жаҳон брендлари вакиллари билан** ушбу маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва тайёр маҳсулотларни, шу жумладан, республиканинг ишлаб турган корхоналари қувватларида тикиш бўйича йирик буортмаларни шакллантириш юзасидан **музокаралар ўтказсин**;

«Ўстандарт» агентлиги билан биргаликда халқаро ташкилотлар қўмағида АҚШ ва Европада тан олинган замонавий **халқаро сертификатлар** тармок корхоналари томонидан ҳар йили тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича **олинишни** таъминласин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Европа Иттифоқи, Туркия, Корея, Ҳиндистон ва бошқа давлатлардан тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасидаги етакчи экспертларни **мазкур соҳани ислох қилиш бўйича маслаҳатчилар** сифатида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблаглари ҳисобидан жалб қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ва тижорат банклари билан биргаликда:

йирик тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини уларнинг молиявий барқарорлиги нуктаи назаридан **стресс-тестдан ўтказсин**;

стресс-тест натижаларига қўра тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг унумдорлиги, молиявий самардорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклифларни ҳамда маҳаллий тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати рақобатбардошлигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда тармоқни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда икки ой муддатда инфратузилма мажмуасини (сертификатлаш, стандартлаштириш, логистика ва бошқалар) яратишни ҳисобга олган ҳолда **йирик ҳудудий тўқимачилик-тикувчилик кластерларида** тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари чиқариш бўйича экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни жойлаштириш ва уларни ривожлантириш юзасидан таклифларни киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 1 сентябрга қадар **жаҳон брендларини** жалб қилган ҳолда ташқи бозорларда талаб катта бўлган юқори қўшилган қийматга эга тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шу жумладан, уларни йирик ҳудудий тўқимачилик-тикувчилик кластерлари ҳудудида жойлаштириш бўйича 2021–2025 йилларга мўлжалланган инвестиция лойиҳалари тасдиқлашини таъминласин.

Бунда ҳар бир янги тикувчилик-тўқимачилик ишлаб чиқариши, қоида тариқасида, машҳур халқаро брендлар маҳсулотларини реализация қилиш ва **камидан мингта иш ўрнини** ташкил этишга мўлжалланган бўлиши лозим.

8. Белгилансинки:

а) 2020–2025 йилларда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, шунингдек, тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарини айланма маблаглар билан таъминлаш **Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 300 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит линиялари маблаглари**, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати учун очил-

ган тижорат банклари кредитлари, халқаро молия институтлари қарз маблаглари ва хорижий банklar кредит линиялари ҳисобига, шу жумладан, қўйидагилар орқали молиялаштирилади:

янги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш;  
икки-уч сменили иш режимидаги ишлаб чиқариш, энг аввало, тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини тикиш фаолияти учун револьвер кредитлар тақдим этиш;

муштахкам экспорт шартномаларига эга бўлган тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарини экспортдаги молиялаштириш ҳажмларини кенгайтириш;

б) Ўзбекистон Республикаси Божхона чегараси орқали пахта ип-калаваси ва трикотаж матони олиб чиқишда 2021 йил 1 январдан бошлаб олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калага учун 0,01 АҚШ доллари, 2022 йил 1 январдан олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калага ва трикотаж мато учун 0,05 АҚШ доллари, 2023 йил 1 январдан – 0,1 АҚШ доллари, 2025 йил 1 январдан – 0,2 АҚШ доллари миқдорида **йигим ундирилади**.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат захираларини бошқариш қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда маҳаллий корхоналардан 2020 йилда харид қилинадиган қўйидаги қўшимча ҳажмлар сотиб олинишни** таъминласин:

қариялар уйларига етказиб бериш учун кийимлар ва пойабзаллар комплектилари, шунингдек, ёлғиз ва кам таъминланган қариялар учун қишки кийимлар ва пойабзаллар комплектилари;

Мудофая вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Фақулдада вазиятлар вазирлиги тизими ходимлари ва ҳарбий хизматчилари учун формали кийимлар ва пойабзаллар комплектилари;

Мудофая вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Фақулдада вазиятлар вазирлиги муассасалари, касалхоналар, болалар боғчалари, қариялар уйлари учун чойшаблар, тўшақлар, ёстиқлар, ўрин ёпинғичлари ва бошқа тўқимачилик маҳсулотлари комплектилари;

давлат захираси номенклатураси бўйича тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати маҳсулотлари.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги:

икки ҳафта муддатда **ўз марказий аппаратлари тузилмасида** белгиланган штат бирликлари доирасида **тўқимачилик саноати масалалари бўйича тузилмаларни** ташкил этсин;

бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни бутун даври (пахтани етиштиришдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача) бўйича қўшилган қиймат занжири шаклланишини батафсил таҳлил қилиш асосида маҳаллий тайёр маҳсулотларнинг экспорт бозорларида (шу жумладан, Европа Иттифоқи, Осие мамлакатлари ва АҚШда) рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг нарх шакллантириш механизmlарини такомиллаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юксансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 5 май  
ПФ-5989-сон.

69. Инкассо топшириқномалари бўйича маблагларни ундириб олишни тўхтатиб қўйиш ёки қақриб олиш инкассо топшириқномасини тақдим этган орган томонидан ёки ундирувчининг аризасига кўра ёхуд суд қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Инкассо топшириқномаси суд қарорига асосан ёки тўловчи тугатилганлигини тасдиқловчи маълумот мавжуд ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

70. Инкассо топшириқномаси маблагларни тўловчи ёки олувчининг банкига қоғоз ва электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

Қоғоз шаклдаги инкассо топшириқномаси маблагларни тўловчининг банкига тақдим этилганда, ундаги рекузитлар маблагларни олувчининг банки томонидан текширилади ҳамда текширган масъул ходимга бириктирилган штамп билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг шахсий газна ҳисобварақларига маблагларни ундиришни назарда тутовчи инкассо топшириқномалари маблагларни олувчининг банки томонидан тасдиқланиши талаб этилмайди.

71. Инкассо топшириқномаси битта операция бўйича тақдоран тақдим этилиши мумкин эмас, бундан дастлабки инкассо топшириқномаси маблагларни тўловчининг банкига келиб тушмаган ҳоллар мустасно.

72. Қоғоз шаклдаги инкассо топшириқномаси маблагларни олувчи ёки тўловчининг банкига уч нусхада тақдим қилинади. Бунда инкассо топшириқномасининг:

биринчи ва иккинчи нусхалари ижро учун банда қолдирилади;

учинчи нусхаси қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда инкассо топшириқномасини қабул қилиб олган масъул ходим томонидан имзоланган ва унга бириктирилган банк штамп билан тасдиқланиб, инкассо топшириқномасини тақдим этган шахсга қайтариб берилди.

Маблагларни олувчининг банкига тақдим этилган инкассо топшириқномасининг биринчи ва иккинчи нусхалари «Тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш» журналда қайд этилган ҳолда почта хизмати орқали маблагларни тўловчининг банкига юборилади.

Электрон шаклдаги инкассо топшириқномаси тўлов ҳужжатларини тақдим этиш тизими орқали маблагларни тўловчининг банкига электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ижро учун юборилади.

73. Маблагларни тўловчининг банки томонидан тўлик бажарилган қоғоз шаклдаги инкассо топшириқномасининг:

биринчи нусхаси банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар ййгмажилдига тикиб қўйилади;

иккинчи нусхаси шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан бирга маблагларни тўловчига тақдим этилади.

Электрон шаклда тақдим этилган инкассо топшириқномаларнинг ҳисоби банда дастурий равишда юритилади.

Маблагларни тўловчининг банки томонидан тўлик бажарилган электрон шаклдаги инкассо топшириқномасининг нусхасини шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан бирга маблагларни тўловчига тақдим этиш тартиби банк ва мижд ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

74. Маблагларни олувчининг банкига тўлов тизими орқали келиб тушган электрон шаклдаги инкассо топшириқномалари рўйхат кўринишида чоп этилади ва банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар ййгмажилдига тикиб қўйилади.

Электрон шаклдаги инкассо топшириқномасининг нусхасини маблагларни олувчига унинг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилган ҳолда тақдим этиш тартиби мижд ва банк ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

75. Маблагларни тўловчининг ҳисобварағида етарли маблаг бўлмаган тақдирда, инкассо топшириқномаси банк томонидан 2-сон картотекада ҳисобга олинади ва маблагларнинг етарли бўлган қисми доирасида тўлов амалга оширилади, бунда инкассо топшириқномасининг орқа томонида қисман тўлов амалга оширилган сана, қисман тўланган сумма ва қолдиқ кўрсатилиб, имзо қўйилади.

Инкассо топшириқномаси бўйича сумманинг қолган қисми маблагларнинг келиб тушишига қараб тўлаб борилади.

Тўлов ҳужжатларини тақдим этиш тизими орқали юборилган инкассо топшириқномаси асосида амалга оширилган қисман тўловлар ҳисоби дастурий равишда юритилади.

76. Маблагларни тўловчининг ҳисобварағида маблаглар мавжуд бўлмаган тақдирда, инкассо топшириқномаси 2-сон картотекада ҳисобга олинади ҳамда маблагларнинг келиб тушишига қараб тўлаб борилади.

77. Инкассо топшириқномаси 2-сон картотекада ҳисобга олинганлиги ва тўлов суммаси ҳақида у келиб тушган кундан кейинги операция кундан кечикмай маблагларни олувчининг банкига ёки маблагларни олувчига хабар берилади.

78. Маблагларни тўловчининг банки инкассо топшириқномасининг ўз айби билан бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

## 7-БОБ. АККРЕДИТИВЛАР БҮЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

79. Аккредитивга ариза маблагларни тўловчи томонидан шартномада кўрсатилган суммани олувчининг аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар учун очилган ҳисоб-китобварағига ўтказишида қўлланиладиган тўлов ҳужжати.

Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилинганда тўловчининг топшириғи билан ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент), маблагларни олувчи ёки у кўрсатган шахс ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Аккредитив бўйича халқаро ҳисоб-китобларда чет эл банклари иштирок этганда, ушбу операциялар Халқаро савдо палатасининг стандартлари асосида амалга оширилади.

80. Аккредитивнинг амал қилиш муддати ва у бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби маблагларни тўловчи ва олувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Бунда шартнома қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт: маблагларни тўловчининг банки номи; аккредитивнинг тури ва уни бажариш усули; аккредитив очилганлиги ҳақида маблагларни олувчини хабардор қилиш усули; аккредитив бўйича маблаглар олиш учун маблагларни олувчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи;

товарлар жўнатилганидан (хизматлар кўрсатилганидан, ишлар бажарилганидан) кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари, уларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар.

Мазкур бандда назарда тутилган талабларга риоя қилинмаганда аккредитив бўйича шартнома тузилмайди ва аккредитив очилмайди.

81. Аккредитив қопланган (депонентланган) ва қопланмаган бўлиши мумкин.

Қопланган (депонентланган) аккредитив очилган тақдирда маблагларни тўловчининг банки уни очиб вақтида мижднинг маблагларини ёки унга берилган кредитни тўловчининг банки мажбуриятлари амал қилиб турадиган бутун муддатга маблагларни олувчининг банки ихтиёрига ўтказиши.

Қопланмаган аккредитив очилган тақдирда маблагларни тўловчининг банки маблагларни олувчининг банкига аккредитивнинг бутун суммасини тўловчининг банкига маблагларни олувчининг банкида юритилаётган ҳисобварағидан ўчириш ҳуқуқини беради.

82. Аккредитивлар банклар томонидан 1-сон картотекада ва «Миждларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари» 22602 баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади. Маблагларни олувчи учун унга хизмат қўрсатувчи банда аккредитивлар бўйича алоҳида депозит ҳисобварақлари очилади.

83. Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар ўзгартириш қилиш тартибига кўра қақриб олинмайдиган ва қақриб олинмайдиган турларга бўлинади. Аккредитивда унинг қақриб олинмаслиги назарда тутилмаган бўлса, бундай аккредитив қақриб олинганда аккредитив ҳисобланади.

Қақриб олинмайдиган аккредитив маблагларни тўловчининг банки томонидан маблагларни олувчи билан олдиндан келишилмасдан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Аккре-



Маблагларни тўловчи белгиланган мuddатда тўлов талабно-масини ақцептлаши ёки рад этиши (тўлиқ ёки қисман) тўғрисида маълум қилмаган тақдирда, тўлов талабномаси банк томонидан умумий қартибда ақцептланган ҳисобнамада ҳамда тўлов амалга оширилади.

55. Тўлов талабномасини ақцептлашни тўла ёки қисман рад этиш сабаблари банклар томонидан кўриб чиқилмайди.

56. Маблағлар куйидаги ҳолларда ақцептсиз ҳисобдан чиқарилади:

тўлов талабномасига маблағларни тўловчининг суммани тан олганлиги тўғрисидаги ёзма хатининг асл нусхаси илова қилинганда;

банклар томонидан маблағларни тўловчининг банкига унинг кредитлари ва уларга ҳисобланган фоизлари буйича мuddатда тўланмаган қарзларни ундириш учун;

банкдан олинган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар буйича мuddатда тўланмаган қарзларни кафил бўлган шахсдан ундириш учун;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

57. Қоғоз шаклдаги ақцептсиз тўлов талабноmaları банкка: маблағларни тўловчи ва олувчига банкнинг битта филиали томонидан хизмат кўрсатилганда, тўлов талабноmaları икки нусхада тақдим қилинади;

маблағларни тўловчи ва олувчига бир банкнинг турли филиаллари ёки турли банклар томонидан хизмат кўрсатилганда, тўлов талабноmaları икки нусхада тақдим қилинади. Бунда тўлов талабномаси маблағларни олувчининг банкига тақдим қилинган бўлса, унинг барча нусхалари маблағларни тўловчининг банкига юборилади.

58. Маблағларни тўловчининг банк ақцептсиз тўлов талабноmaları асосида маблағларни ҳисобдан чиқарганда, тўлов талабномаси олд қисмининг юқори ўнг бурчачига «Ақцептсиз» деган ёзув киритади ва тўловни амалга оширади.

59. Ақцептланган, қисман ақцептланган ёки ақцептсиз тўлов талабномаси асосида тўлов амалга оширилгандан кейин, маблағларни тўловчининг банк томонидан тўлов талабномасининг:

биринчи нусхаси банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар ййгмажилдига тикилади;

иккинчи нусхаси маблағларни тўловчининг ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда тўловчига берилади. Бунда, тўлов талабномасининг нусхасини маблағларни тўловчига унинг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилган ҳолда тақдим этиш тартиби мижоз ва банк ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

60. Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида маблағлар етарли бўлган ва тўлов талабноmaları мазкур Низом талаблари мувофиқ тақдим этилган тақдирда, тўлов мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган мuddатларда амалга оширилади.

Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида етарли маблағ бўлмаган тақдирда, ақцептланган ёки ақцептсиз тўлов талабно-maları банк томонидан 2-сон қартекеда ҳисобга олинади, ва маблағларнинг етарли бўлган қисми доирасида тўлов амалга оширилади, бунда тўлов талабномасининг орқа томонида қисман тўлов амалга оширилган сана, қисман тўланган сумма ва қолдиқ кўрсатилиб, имзо қўйилади. Тўлов талабномаси буйича сумманинг қолган қисми маблағларнинг келиб тушишига қараб тўлаб борилади.

Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ақцептланган ёки ақцептсиз тўлов талабно-maları 2-сон қартекеда ҳисобга олинади ҳамда бу ҳақда уч операция кундан кечикмай маблағларни олувчининг банкига хабар берилади ва маблағларнинг келиб тушишига қараб тўлаб борилади.

Тизим орқали тақдим қилинган тўлов талабноmaları асосида амалга оширилган қисман тўловлар ҳисоби дастурий равишда юритилади.

61. Ақцептли ва ақцептсиз тўлов талабноmalarıнинг 2-сон қартекедан ҳисобдан чиқарилиши суд қарорига, маблағларни олувчининг аризагига ва маблағларни олувчининг фаолияти тутатилганлигини тасдиқловчи маълумотномага асосан амалга оширилади ҳамда ижро этилмасдан қайтариб юборилади.

62. Маблағларни олувчининг унда кўрсатилган маблағларни олувчига тушган электрон шаклдаги тўлов талабноmaları рўйхат кўринишида чоп этилади ва банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар ййгмажилдига тикиб қўйилади.

Электрон шаклдаги тўлов талабномасини нусхасини маблағларни олувчига унинг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилган ҳолда тақдим этиш тартиби мижоз ва банк ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

63. Тўлов талабномаси битта операция буйича такоран тақдим этилиши мумкин эмас, бундан дастлабки тўлов талабно-маси маблағларни тўловчининг банкига келиб тушмаган ҳоллар мустасно.

## 6-БОБ. ИНКАССО ТОПШИРИҚНОМАЛАРИ БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР

64. Инкассо топшириқномаси унда кўрсатилган маблағларни тўловчининг банк ҳисобварағидан сўзсиз равишда ҳисобдан чиқариш буйича маблағларни олувчининг топшириги назарда тутилган тўлов ҳужжатлари.

Инкассо топшириқномаси маблағларни тўловчининг фақат асосий талаб қилиб олинғунча депозит ҳисобварағига тақдим этилиши мумкин, бундан чет эл валютасидаги банк ҳисобварақларига тақдим этиладиган инкассо топшириқномаси мустасно.

65. Қуйидагилар инкассо топшириқномаларини тақдим этиш ҳуқуқига эга:

а) давлат солиқ хизмати органлари – ўз мuddатида тўланмаган бюджет тизимига ўтказиладиган солиқлар ва ййгмларни ундириш тўғрисида;

б) божхона органлари – ўз мuddатида тўланмаган божхона тўловларини ундириш тўғрисида;

в) давлат ижроичилари ва ундирувчилар: ижро ҳужжатлари буйича пул маблағларини ундириш тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Махбурий ижро бюроси ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан истеъмолчилар – юридик шахслар ва яқна тартибдаги тадбиркорларнинг банк ҳисобварақларига етказиб берилган энергия ресурслари ҳамда қўтқиқ маиший чиндиларни тўлаш ва олиб чиқиш хизмати Молия қарздорлиқни ундириш тўғрисида;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги – Ўзбекистон Республикасининг берилган давлат кафолатлари билан амалга оширилган тўловлар ва улар билан боғлиқ харажатлар суммасини қарз олувчидан ундириш ҳамда бюджет ссудаси ёки кредит линияси, шу жумладан фоизларни қайтариш тўғрисида;

д) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (бундан бунь матида Жамғарма деб оритилади) – Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат агентларига («Ўзпахтасаноат» АЖ, «Ўздонмахсулот» АЖ, «Ўзагролизинг» АЖ, «Ўзмашлизинг» МЧЖ) ажратилган мақсадли маблағларни қайтариш буйича махбурийлар тижорат агентлари томонидан бажарилмаган тақдирда, уларнинг банк ҳисобварақларига.

66. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар ижро ҳужжатлари ҳисобланади.

67. Инкассо топшириқномаси ижро ҳужжатлари асосида тақдим этилганда, унга ижро ҳужжатининг асл нусхаси, агар асл нусхаси йўқолган бўлса – дубликати илова қилинади, бундан электрон шаклда тақдим этилган ҳолатлар мустасно.

Маблағларни ижро ҳужжатларининг нусхалари асосида ҳисобдан чиқариш тақиқланади.

Ижро ҳужжатларини асосида тақдим этилган инкассо топшириқномасининг «Тўлов мақсади» графасида ижро ҳужжатининг номи, тартиб рақами ва санаси кўрсатилади.

68. Инкассо топшириқномаларининг тўғри тақдим этилиши буйича жавабгарлик инкассо топшириқномасини тақдим этган органлар зиммасига юқлатилади. Инкассо топшириқномалари буйича тўловларни маблағларни тўловчиларнинг ҳисобварақларидан сўзсиз равишда ҳисобдан чиқаришга оид эътирозлар банк томонидан кўриб чиқилмайди.

**КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ, МАВЖУД РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ҲОЙДАЛИНИШ,  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ  
ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида\***

Дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилиги юзага келиши мумкин бўлган шароитда қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ресурслар ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, озиқ-овқат экинларини икки баробарга кўпайтириш, юқори ҳосил олиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида янги иш ўринларини яратиш ва манфаатдорликни ошириш борасида замонавий ёндашувларни жорий этиш мақсадида:

1. Фойдаланишдан чиқиб кетган ва ер ости сувлари захираси мавжуд бўлган ерларни фойдаланишга киритиш, уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун аҳолига имтиёзли шартлар асосида ажратиб беришнинг кўйидаги тартиби жорий қилинсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси ва Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 10 майга қадар 1-иловада\*\* келтирилган ҳудудларда экинларни суғориш учун яроқли сув чиқариш имконияти ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига ҳулоса тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда табиий-тупроқ ҳамда иклим шароитидан келиб чиқиб фойдаланишга қиритиладиган ерларга экин турларини жойлаштириш бўйича илмий асосланган тавсия беради;

Туман ҳокимлиги фойдаланишга қиритиладиган ер майдонларини контурлар кесимида ҳисоб-китоб қилади ҳамда лойиҳаларни шакллантириб, келишиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига тақдим этади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари уч кун ичида ушбу лойиҳаларни кўриб чиққан ҳолда умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги беш кун ичида тақдим этилган лойиҳаларни ўрганиб, Вазирлар Маҳкамасининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари котибиятига ҳулоса тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари беш кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни ўрганиш асосида Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан ажратиладиган маблағларни туманлар кесимида тақсимлайди;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг тақсимотига асосан Молия вазирлиги беш кун муддатда туман бюджетига ер майдонларини фойдаланишга киритиш учун зарур маблағларни ажратяди;

Туман ҳокимлиги кўдўқ қазिश, суғориш тармоқларини тиклаш орқали ер майдонларини сув билан таъминлаш, электр энергиясини тортиш, сув тежовчи технологияларни жорий этишнинг тежис ва молиявий кўрсаткичларини белгилайди ва ушбу ишларни амалга оширувчи пудратчи ташкилотларни танлов асосида аниқлайди;

танлов қоида тарихида, туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари раислигида, туман қишлоқ хўжалиги, архитектура ва қурилиш, молия, статистика, ер ресурслари

ва давлат кадастри, ирригация бўлиmlлари, солиқ инспекцияси, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман инспекцияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раҳбарларидан иборат таркибда тузиладиган комиссия томонидан амалга оширилади;

туман ҳокимлиги фойдаланишга киритилган ер майдонларини деҳқончилик соҳасида билим ва кўникмага эга бўлган, биринчи навбатда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга 1 гектаргача деҳқон хўжалигини юритиш учун, истисно тарихида, 10 йилгача муддатга ижарага беради ёки тажриба-синов тарихида маҳаллий тадбиркорлик субъектларига барча харажатларни олдиндан тўлаш шартли бўлиб 5 гектаргача бўлган ер майдонларини 10 йилгача муддатга ижара ҳуқуқини электрон аукцион асосида сотади;

ушбу ер майдонларини ажратиш бўйича ташаббускор ва туман ҳокимлиги ўртасида тузилган ижара шартномасига асосан туман ҳокимининг қарори қабул қилинади, бунда ер майдонларида сув тежовчи технологияларни қўллаш ва устувор равишда сабзавот, помидор, картошка, дуккакли ва мойли экинларни экиш, бог ва тоқзорлар барпо этиш назарда тутилади;

ер майдонларини ижарага бериш ҳамда ижара ҳуқуқини сотишдан тушадиган маблағлар туман ҳокимлигининг сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича махсус ҳисобрақамида жамғариб борилади ҳамда янги ер майдонларини фойдаланишга киритиш мақсадларида ишлатилади;

ердан фойдаланиш давомида белгиланган экин турларини экиб, иш ўринларини яратган, ижара харажатларини ўз вақтида қоплаган тадбиркорлик субъектларига ердан фойдаланиш муддатини узайтиришга устуворлик ҳуқуқи берилади.

Туман ҳокимликлари фойдаланишга қиритиладиган ер майдонларининг яхлитлиги, бир маҳсулот турига ихтисослаштириш, мева-сабзавотчилик кластерлари ва кооперациялари орқали деҳқон хўжаликларига уруғлик ва кўчатлар тақдоси, илгор агротехнологияларни ўргатиш, етиштирилган маҳсулотларни реализация қилишда кўмаклашсин, шунингдек, минерал ўғитлар ва ёқилғимойлаш маҳсулотларини етарли ҳажмида ва ҳамёнбоп нархларда харид қилишлари учун зарур инфратузилмани яратсин.

**2. Белгилаб қўйилсинки:**

мазкур қарор доирасида ижарага бериладиган ер майдонларида енгил конструкциядаги дала шийлон ва суғориш иншоотларини жойлаштиришга рўхсат берилади, бошқа турдаги, шу жумладан турар жой, бино ва иншоотлар қуриш қатъиян ман этилади;

ижарага бериладиган ер майдонларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) иштирокидаги «Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири яратишни ривожлантириш» лойиҳаси, Жаҳон банкининг кредит линиялари ҳисобидан кредитлар ажратилади. Бунда тижорат банкилари томонидан белгиланган фойз ставкасининг Марказий банкининг асосий ставкасидан ошадиган қисми Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўлаб берилади;

мазкур қарор доирасида фойдаланишга киритилган ер майдонлари мақбуллаштирилмайди, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига ердан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли етказилган зарарининг ўрни тўлиқ қоплангандан сўнггина рўхсат этилади;

қишлоқ хўжалиги кооперацияларида иштирок этадиган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилалар тои-

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 2.05.2020 йилдан кучда кирди.

\*\*Қарорга 1–2-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

фасига кирувчи ҳар бир оила парранда боққан даври (40 кун) учун Жамоат ишлари жамғармасидан қўшимча 500 минг сўмдан рағбатлантирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

янги фойдаланишга киритиладиган ерларнинг ижара ҳўқуқини электрон аукцион асосида сотишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислохотларнинг йўналишлари ва мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, деҳқон ҳўжаликлари, шахсий томорқалардан самарали фойдаланиш, маҳсулот етиштириш ҳажмини ҳамда аҳоли бандлиги ва даромадини оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонуни, шунингдек, «Шахсий томорқа ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаларини ишлаб чиқин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда янги фойдаланишга киритиладиган ерларнинг ижара ҳўқуқини «E-JRO AUCTION» ягона электрон савдо майдончасида сотишга имконият яратсин.

5. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ;

ушбу кодекснинг 57-моддасида назарда тутилган шартларга жавоб беришчи қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўзи ишлаб чиқарган ўз қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олдинган фойдаси бўйича фойда солиғи ставкаси 0 фоиз миқдорида белгиланган;

қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш учун, шунингдек, ипак қурти етиштириш учун фойдаланиладиган қишлоқ ҳўжалиги корхоналари балансида бўлган мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблашда солиқ базасидан камайтирилади;

томчилатиб сугориш тизими қўлланиладиган ерлар — томчилатиб сугориш тизими жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга, қишлоқ ҳўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар — ваколатли орган томонидан тасдиқланган лойиҳага мувофиқ, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида ҳамда янги барпо этилаётган боғлар, тоқзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, даррахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ ҳўжалиги экинларини экиш учун фойдаланишдан қатъи назар, уч йил муддатга ер солиғидан озод қилинган;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тarmoқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5969-сон Фармонида асосан қишлоқ ҳўжалигидаги ерларни сугориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50 фоизга пасайтирилган.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.Кўчқоров Молия вазирлиги билан бирга бир ой муддатда Инкирозга қарши курашиш дастури доирасида ажратилган маблағлардан ер майдонларини фойдаланишга киритиш учун туман бюджетларига Бош вазирнинг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг тақсимотида асосан 300 миллиард сўм ажратилишини таъминласин.

7. Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг:

2020 йилда ажратилиши режалаштирилган 30 триллион сўмлик револвер кредитларнинг 2 триллион сўмини мева-сабзаёт маҳсулотларини етиштирувчилар ва унинг экспорти билан шуғулланувчи корхоналарга йўналтириш;

экспорт шартномаси бўйича келгусидаги тушум таъминоти асосида шахсий томорқа ер эгалари ва ҳўжалик юритувчи субъектларга қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун бўнак ажратиш ҳамда маҳсулотларни сотиб олиш мақсадларида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчилар ва экспорт қилувчиларга қисқа муддатли кредитлар ажратиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин. Бунда, кредитлар яхши кредит тарихига эга, камида 2 йил давомида мева-сабзаёт маҳсулотлари экспорти фаолияти билан шуғулланган қайта ишловчилар ва экспорт қилувчиларга ажратилди.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги «Ўзпахтасаноат» АЖ тизимидаги корхоналарнинг ипак қурти боқиб ишшоотларини «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидagi ташкилотларга тўловларни йигирма йилгача муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти билан баланс (қолдиқ) қийматда инвестиция қилиш шарти билан сотиш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига қаранда белгиланган вазифалар юзасидан тегишлинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ва туманлар ҳокимларининг ҳисоботларини эшитиш ва тегишли баҳо бериш бориш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги мазкур қарорда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назорат ўрнатсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳўужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартiriш ва қўшимча тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари У.И.Барноев ва Ж.А.Кўчқоров зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 1 май  
ПҚ-4700-сон.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ Тўғрисида\*

Мамлакатда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш, аҳоли билан мулоқот тизимини йўлга қўйиш, аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини ошириш, ҳудудларни жадал ва комплекс ижтимоий-иқтисодий

ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлан-

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 2.05.2020 йилдан қўчга кирди.

42. Тўлов талабномаси турлар (ишлар, хизматлар), шунингдек маблағларни олувчи ҳамда тўловчи ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бошқа тўловлар бўйича тақдим этилиши мумкин.

43. Тўлов талабномалари қуйидаги турларга бўлинад:

- акцептли тўлов талабномаси, унга мувофиқ тўлов талабномасида назарда тутилган тўловлар маблағларни тўловчи томонидан акцептланганидан кейин амалга оширилади;

- акцептсиз тўлов талабномаси, унга мувофиқ тўлов талабномасида назарда тутилган тўловлар маблағларни тўловчининг розилиги бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар амалга оширилади.

Тўлов талабномалари қоғоз шаклда ёки Тизим орқали электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

44. Товар откази берувчи тўлов талабномасининг «Тўлов максуди» графасида:

- шартнома тури, санаси ва тартиб рақами;
- товарни жўнатиш (топириш) санаси ва товар-транспорт ёки қабул қилиш-топириш ҳужжатлари рақами ҳамда транспорт тури, товарлар почта алоқаси орқали жўнатиладиган – почта квитанцияларининг рақами;

- товарлар сотиб олувчининг транспорт воситаси билан олиб кетилганда «\_\_\_сон ишонч хати асосида сотиб олувчининг транспорт воситаси билан олиб чиқиб кетилган» деган ёзув кўрсатилади.

45. Қоғоз шаклдаги тўлов талабномаси маблағларни олувчи томонидан мазкур Низомнинг 6-илловасига\*\* мувофиқ шаклдаги икки нусхада тузилган реестр билан бирга унга хизмат кўрсатувчи банкка ёки тўловчининг банкига тақдим қилинади.

Реестрнинг биринчи нусхаси ташкилот раҳбари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс томонидан имзоланган ҳамда ташкилот муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак, бунда тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинган реестрда муҳр изининг мавжудлиги талаб этилмайди. Реестрнинг биринчи нусхаси қабул қилиш санаси кўрсатилиб, банк масъул ҳодимнинг имзоси ва банк томонидан унга бириктириб қўйилган банк штампи билан тасдиқланган ҳолда банкка қолади.

Реестрнинг иккинчи нусхаси банк томонидан қабул қилинган санаси кўрсатилиб, масъул ҳодимнинг имзоси ва банк томонидан унга бириктириб қўйилган банк штампи билан тасдиқланган ҳолда маблағларни олувчига қайтарилди.

46. Қоғоз шаклидаги акцептли тўлов талабномалари:

а) маблағларни тўловчи ва олувчига банкнинг битта филиали томонидан хизмат кўрсатилганда, тўлов талабномаси икки нусхада тақдим қилинади.

Бунда тўлов талабномасининг биринчи нусхаси банкка қолдирилади. Тўлов талабномасининг иккинчи нусхаси кейинги операция кунидан кечиктирмай (бундан маблағларни тўловчи ёки унинг вакили белгиланган муддатда банкка ташриф буормаган ҳоллар мустасно), банк томонидан қабул қилиш санаси кўрсатилиб акцептлаш учун маблағларни тўловчи ёки унинг вакилига топширилади;

б) маблағларни тўловчи ва олувчига бир банкнинг турли филиаллари ёки турли банклар томонидан хизмат кўрсатилганда, тўлов талабномалари икки нусхада тақдим қилинади. Тўлов талабномаси маблағларни олувчининг банкига тақдим қилинган бўлса, тўлов талабномасининг барча нусхалари маблағларни тўловчининг банкига юборилади. Бунда маблағларни тўловчининг банккада тўлов талабномасининг:

- биринчи нусхаси банкка қолдирилади;
- иккинчи нусхаси кейинги операция кунидан кечиктирмай (бундан тўловчи ёки унинг вакили белгиланган муддатда банкка ташриф буормаган ҳоллар мустасно), банк томонидан қабул қилиш санаси кўрсатилади ва акцептлаш учун тўловчи ёки унинг вакилига топширилади.

Тўлов талабномаси келиб тушганлиги ҳақида маблағларни тўловчига хабар бериш ҳамда Тизимдан фойдаланувчи маблағларни тўловчи томонидан тўлов талабномаси билан танишганлигини тасдиқлаш тартиби миқоз ва банк ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

47. Акцептли тўлов талабномасининг нусхаси маблағларни тўловчининг банкка келиб тушган кундан кейинги операция кунидан

кечиктирмасдан, маблағларни тўловчи ёки унинг вакилига «Тўлов муддатини кутаётган тўлов ҳужжатлари» журналида ва ушбу тўлов талабномаси биринчи нусхасининг қоқори ўнг бурчагига имзо қўйдириган ҳолда топширилади. Бунда топширилган акцептли тўлов талабномаси 1-сон картотекада ҳисобга олинади.

Тизим орқали топширилган акцептли тўлов талабномаларининг олинганлиги маблағларни тўловчи томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланади. Бунда ушбу тўлов талабномаларининг ҳисоби электрон шаклдаги «Тўлов муддатини кутаётган тўлов ҳужжатлари» журналида юритилади ҳамда 1-сон картотекада ҳисобга олинади.

48. Акцептли тўлов талабномаларини акцептлаш муддати улар маблағларни тўловчига топширилган кундан кейинги кундан бошлаб беш операция кунини ташкил қилади.

Бунда маблағларни тўловчининг аризасига асосан акцептли тўлов талабномалари улар топширилган кундан кейинги кундан бошлаб ўн операция кунини ичида акцептланиши мумкин.

Маблағларни тўловчи мазкур ҳолатнинг биринчи ва иккинчи хатбошларида назарда тутилган ҳолатлар ва муддатларда ёзма ёки электрон равишда тўлов талабномасини акцептлашни тўла ёки қисман рад этиши мумкин.

49. Акцептли тўлов талабномаси келиб тушган кундан бошлаб ўн операция кунини ичида банк томонидан маблағларни тўловчига топшириш имкони бўлмаган, шу жумладан ушбу муддатда маблағларни тўловчи Тизимга кирмаган ҳолларда тўлов талабномасига банк томонидан «Микознинг қолмаганлиги сабабини ижро этилмади» деган ёзув киритилади ва ижро этилмасдан қайтариб юборилади.

Бунда, мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган ўн операция кунини ичида маблағларни тўловчининг топширигига асосан унинг ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш, шу жумладан нақд пул бериш операциялари амалга оширилган бўлмаслиги керак, бундан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтидаги солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинети орқали юборилган тўлов топшириқномалари асосида тўловларни амалга ошириш ҳолатлари мустасно.

50. Маблағларни тўловчининг тўлов талабномасини акцептлашни тўла ёки қисман рад этиш тўғрисидаги аризасида рад этиш сабаблари кўрсатилади ҳамда унинг шахсий варақчасида кўрсатилган шахслар томонидан имзоланади (Тизим орқали юборган ҳолларда электрон рақамли имзо билан тасдиқланади).

51. Акцептли тўлов талабномаси тўловчининг рухсати билан ижро қилинади. Дебиторлик-кредиторлик қарзларини солиштириш далолатномаси, етказиб берилган товарлар (бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар) бўйича расмийлаштирилган далолатноманинг тўлов талабномасига илова қилиниши маблағларни акцептсиз равишда ҳисобдан чиқариш учун асос бўлмайди.

52. Акцептли тўлов талабномаси қисман рад этилганда, тўлов акцептланган сумма доирасида амалга амалга оширилади. Маблағларни тўловчининг банки акцептлаш қисман рад этилганлиги ҳақида маблағларни олувчининг банкни уч операция кунини ичида хабардор қилади.

Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида маблағ бўлмаган тақдирда, тўлов талабномаси акцептланган сумма доирасида 2-сон картотекада ҳисобга олинади.

53. Маблағларни тўловчи томонидан тўлов талабномасини акцептлаш тўла рад этилганда, тўлов талабномаси шу куннинг ўзига 1-сон картотекадан ҳисобдан чиқарилади ҳамда тўлов талабномасини акцептлашни тўла рад этиш тўғрисидаги аризанинг нусхаси билан бирга маблағларни олувчининг банкка юбориш тўғрисидаги кейинги операция кунидан кечикмаган ҳолда қайтариб юборилади.

54. Тўлов талабномаси мазкур Низомнинг 48-бандида белгиланган муддатларда тўлов талабномасини акцептлаш ёки рад этиш (тўлиқ ёки қисман) тўғрисида унинг қоқоридаги ўнг бурчагига маблағларни тўловчининг шахсий варақчасида кўрсатилган шахслар томонидан белги ва имзо қўйилган ҳолда маблағларни тўловчининг банкка қайтарилиши керак, бундан тўлов талабномалари акцептлаш учун Тизим орқали тақдим қилинган ҳоллар мустасно.

тўлов ҳужжатлари бўйича қисман тўлов амалга оширилганда; кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилганда; мижознинг қарздорлик маблағларини қоплашда, агар ушбу талаб банк билан мижоз ўртасида тузилган шартномада белгилаб қўйилган бўлса;

бухгалтерия ҳисобидаги хато ёзувларни тузатишда; жисмоний шахсларнинг (якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларидан ташқари) ёзма мурожаати бўйича маблағларни нақд пулсиз шаклда ўтказишни амалга оширишда, бунда тўлов амалга оширилгандан сўнг, мазкур мурожаат мемориал ордер билан бирга банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

мижозлар билан тузиладиган шартномаларда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

29. Банкда 2-сон картотекага кирим қилинган тўлов ҳужжатлари бўйича қисман тўлов автоматик тарзда амалга оширилади. Бунда мемориал ордерларнинг «Тўлов мақсади» графасида қисман тўлов амалга оширилганини билдирувчи «К/Т» белгиси, тўлов ҳужжатининг рақами, санаси ва дастлабки суммаси кўрсатилади.

30. Банк тўловчи сифатида қатнашганда ва бухгалтерия ҳисобидаги хато ёзувларни тузатишда фойдаланадиган мемориал ордерлар банк раҳбарининг ва бош бухгалтернинг имзолари (шу жумладан электрон рақамли имзолари) билан тасдиқланиши лозим. Бошқа ҳолларда мемориал ордерлар мазкур операцияни амалга оширган масъул ходимларнинг (бەқ-офиш бошлиғи, етакчи бухгалтер) имзолари (шу жумладан, электрон рақамли имзолари) билан тасдиқланади.

31. Мемориал ордерлар билан амалга оширилган операцияларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик мазкур тўлов ҳужжатларини имзолаган шахслар зиммасига юклатилади.

#### 4-БОБ. ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАЛАРИ БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР

32. Тўлов топшириқномаси мижознинг унга хизмат кўрсатувчи банкга ўз ҳисобварағидан топшириқномада белгиланган суммани маблағларни олувчининг ҳисобварағига ўтказиш тўғрисидаги топшириғи назарда тутилган тўлов ҳужжатидир.

33. Тўлов топшириқномалари билан товарлар (ишлар, хизматлар), солиқлар ва йиғимлар ҳамда қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилиши мумкин.

Солиқлар ҳамда йиғимларни тўлаш учун тўлов топшириқномалари солиқ тўловчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтидаги шахсий кабинети орқали тақдим этилиши мумкин.

34. Банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тўлов топшириқномаси банк томонидан мижознинг ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлгандагина қабул қилинади, бундан солиқлар ва йиғимлар бўйича тақдим этилган тўлов топшириқномалари мустасно.

35. Мижознинг ҳисобварағида маблағ бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, мижознинг солиқлар ва йиғимлар бўйича тақдим этган тўлов топшириқномалари банк томонидан ижро учун қабул қилинади.

Мижознинг ҳисобварағида етарли маблағ бўлмаган тақдирда, банк томонидан мижознинг солиқлар ва йиғимлар билан боғлиқ тўлов топшириқномалари 2-сон картотекада ҳисобга олинади ва маблағларнинг етарли бўлган қисми доирасида қисман тўлов амалга оширилади, бунда тўлов топшириқномасининг орқа томонида қисман тўлов амалга оширилган сана, тўланган сумма ва қолдиқ кўрсатилади ҳамда имзо қўйилади. Тўлов топшириқномасидаги сумманинг қолган қисми маблағларнинг келиб тушишига қараб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Тизим орқали тақдим қилинган тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилган қисман тўловлар ҳисоби дастурий равишда юритилиши мумкин.

Мижознинг ҳисобварағида маблағ бўлмаган тақдирда, солиқлар ва йиғимлар бўйича тақдим этилган тўлов топшириқномалари

2-сон картотекага кирим қилинади ҳамда маблағларнинг келиб тушишига қараб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Мижоз томонидан солиқлар ва йиғимлар бўйича тақдим этилган тўлов топшириқномалари тегшили солиқ ораганининг ёзма ёки электрон шаклдаги мурожаати ҳамда суд қарори асосида 2-сон картотекадан чакириб олиниши мумкин.

36. Тўлов топшириқномасининг «Ҳужжат санаси» графасидаги сана у банкга тақдим этилган сана билан бир хил бўлиши керак, улар мос келмаган тақдирда, тўлов топшириқномаси банк томонидан ижро учун қабул қилинмайди.

Агар валюталаш санаси дама олиш кунига тўғри келадиган бўлса, бенефициарнинг банк валюталаш санаси деб белгиланган кундан кейинги биринчи иш кунига пул маблағларини бенефициарнинг банк ҳисобварағига ўтказилади.

37. Мижоз пенсиялар, алиментлар ва бошқа тўловларни тўлаш бўйича маблағларни ўтказишга асос бўлган тўлов топшириқномаларини барча зарур ҳужжатлар (маълумотномалар, ўтказмалар рўйхати ва бошқалар) билан бирга, ушбу тўловларни амалга оширувчи ташкилот ёки банкга тақдим этади.

Ушбу ҳужжатлар банкка мижоз билан тузилган шартномада белгиланган шаклларда тақдим қилиниши мумкин.

38. Ҳўжалик юритувчи субъектнинг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари учун ўз ҳисобварағидаги маблағлардан фойдаланиши Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чикариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) мувофиқ тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади. Бунда тўлов топшириқномасининг «Тўлов мақсади» графасига «Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар суммаси ҳисобидан» деб ёзиб қўйилади.

39. Қоғоз шаклдаги тўлов топшириқномалари банкка икки нусхада тақдим қилинади. Бунда тўлов амалга оширилгандан сўнг, тўлов топшириқномасининг:

биринчи нусхаси банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

иккинчи нусхаси маблағларни тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига тақдим қилинади.

40. Тизимдан фойдаланувчилардан умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари орқали олинган электрон шаклдаги тўлов топшириқномаси дастурий назоратдан ўтказилса ва қайта ишлаш учун узатилади. Электрон шаклдаги тўлов топшириқномаси тўлов амалга оширилгандан сўнг, рўйхат кўринишида чоп этилади ва банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

Маблағларни тўловчининг банк томонидан ижро этилган тўлов топшириқномасининг нусхасини маблағларни тўловчига унинг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилган ҳолда тақдим этиш тартиби мижоз ва банк ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

Маблағларни олувчининг банкига тўлов тизими орқали келиб тушган электрон шаклдаги тўлов топшириқномалари рўйхат кўринишида чоп этилади ва банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

Маблағларни олувчининг банкига тўлов топшириқномаси келиб тушганлиги ҳақида маблағларни олувчига хабар бериш ҳамда тўлов топшириқномасининг нусхасини маблағларни олувчига унинг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилган ҳолда тақдим этиш тартиби мижоз ва банк ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

#### 5-БОБ. ТЎЛОВ ТАЛАБНОМАЛАРИ БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР

41. Тўлов талабномаси маблағларни тўловчининг ҳисобварағидан унда кўрсатилган суммани тўлаш тўғрисидаги маблағларни олувчининг талаби назарда тутилган тўлов ҳужжати ҳисобланади.

Тўлов талабномаси фақат асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига тақдим этилиши мумкин, бундан чет эл валютасидаги банк ҳисобварақларига тақдим этиладиган тўлов талабномалари мустасно.

тиришнинг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилишда истиқболга йўналтирилган максимал даражаларни ишлаб чиқиш учун унинг комплекс баҳолашнинг ҳамда юзага келмаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиққан ҳолда уларга тежорлик билан ва лозим даражада жавоб қайтаришнинг ягона мувофиқлаштирилган механизми йўқлиги тўқинлик қилмоқда.

Худудларни барқарор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, табиий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини, шунингдек, худудларнинг бошқа қиёбий устулкиларини баҳолашнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Статистик кўрсаткичлар ва сўровномалар натижалари асосида худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими (бундан буён матнда – рейтинг баҳолаш) жорий этилсин ва бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

барқарор ва мутаносиб иқтисодий тараққиётни таъминлаш, иқтисодий ислохотлар самарадорлиги;

янги иш ўринларни яратиш, ишсизликни камайтириш ва меҳнат бозори самарадорлигини таъминлаш;

ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш;

аҳоли ва бизнес учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг барқарорлиги ҳамда ишончлилигини таъминлаш;

худудларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш, уларнинг иқтисодийтини янада диверсификация қилиш; ишбилармонлик муҳити сифатини яхшилаш, тадбиркорликни доимий қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш;

худудларнинг молиявий мустақиллигига эришиш ҳамда банк-молия соҳасини ривожлантириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиқлигини ошириш.

2. Рейтинг кўрсаткичлари асосида худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

### 3. Белгилансинки:

рейтинг баҳолаш ушбу қарорнинг 6-бандида назарда тутилган ахборот тизими ишлаб чиқилгандан сўнг 2019 йил учун синов режимида амалга оширилади;

рейтинг баҳолаш натижалари асосида рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар кесимида амалга оширилади;

ўтган йил учун рейтинг баҳолаш натижалари ҳар йили 1 февраль (тежор баҳолаш) ва 15 июнга (яқуний натижалар) қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига киритилади;

рейтинг баҳолаш натижалари ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимияти вакиллик органлари йиғилишларида танқидий муҳокама қилиниши шарт.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига рейтинг баҳолаш натижаларини умумлаштириш, шунингдек, рейтинг баҳолашни амалга оширишда иштирок этувчи тегишли органлар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш ҳамда мувофиқлаштириш вазифаси юксансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда рейтинг кўрсаткичлари тизими ҳамда уларни ҳисоблаш усулларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузурдаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти (кейинги ўринларда – Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти),

«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (кейинги ўринларда – «Ижтимоий фикр» маркази), Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази (кейинги ўринларда – Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази), Давлат статистика қўмитаси, Совдо-саноат палатаси;

икки ой муддатда илгор ҳоржий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда худудларни рейтинг баҳолаш учун аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида сўровнома ўтказиш методологиясини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига келишиш учун киритсин;

тасдиқланган методология асосида ҳар йили туман ҳамда шаҳарларда аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида сўровнома ўтказсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан бирга 2020 йил 1 июнга қадар маъсул органлар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан худудлар рейтингини тузиш учун маълумотларни онлайн режимида киритиш имконини берувчи ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) ишлаб чиқиши, шунингдек, 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган синов режимидаги рейтинг баҳолаш натижалари асосида унинг такомиллаштирилишини таъминласин.

### 7. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги – ахборот тизимининг буюртмачиси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар – ахборот тизимини яратиш ҳамда уни келгусида қўллаб-қувватлаш, шунингдек, сўровномаларни ташкил этиш ва ўтказишнинг молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

### 8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига унинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, сўровномаларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармаси ҳисобидан зарур маблағларни;

2020 йилдан бошлаб ҳар йили ахборот тизимини техник ва дастурий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, сўровномаларни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бюрогномаларига асосан зарур маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни харажатлари параметрларида назарда тутилган ҳолда ажратсин.

### 9. Белгилаб қўйилсинки:

давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳисобот йилидан кейинги 15 январь (тежор) ва 1 июндан (яқуний) кечиктирмай ҳисобот йили якуни бўйича тегишли маълумотларни ахборот тизимига ҳаққоний ва ўз вақтида киритиши таъминлайди;

рейтинг жараёнига жалб этилган давлат органлари, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари сўровномаларни шаффоф ва ҳолисона ўтказиш ҳамда тегишли маълумотларни ахборот тизимига киритиш учун шахсан жавобгардир;

давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ахборот тизимига ишончсиз ёки нотўғри маълумотларни киритиш, шунингдек, уларни ўз вақтида киритмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, тегишли раҳбарларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорлари 2-иловага\*\* мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарор ижросини ташкил этишнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазир Ж.А.Қўчқоров:

\*\*Қарорва 1–2-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.

мазкур қарор ижросини сифатли таъминласин, белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишга масъул вазирлик ва идораларнинг самарали фаолиятини ташкил этсин ҳамда мувофиқлаштирсин, аниқланган кам-чиқиларни ўз вақтида бартараф этсин;

ахборот тизимига киритилган статистик кўрсаткичлар ва сўровнома натижаларини ўз вақтида умумлаштирсин ҳамда ҳудудлар рейтингини аниқласин;

ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларига эришиш, шунингдек, баҳолаш мезонлари ва таҳлил усулларини аниқлаш мақсадида Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, «Ижтимоий фикр» маркази, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, Давлат статистика қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг масъул ходимлари учун даврий семинарлар ташкил этсин;

рейтинг кўрсаткичларининг мониторингини ва оммавий ахборот воситалари, шу жумладан расмий веб-сайтда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар мунтазам равишда кенг ёритилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосари Б.Т.Турабов – ҳудудларнинг рейтинг кўрсаткичлари шакллантирилишини мониторинг қилсин;

в) масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари – ахборот тизимига маълумотларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлақонли киритилиши ҳамда сўровномалар ўтказилиши учун барча зарур чораларни кўрсин;

г) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Кўчимов ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А.Д.Ҳаджаев – мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, унинг амалий аҳамиятини ёритиб бериш бўйича мақолалар чоп этилишини ҳамда матбуот аниқламлари, тематик телекўрсатувлар ўтказилишини ташкил этсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президентини  
Ш.МИРЗИЁЕВ.*

*Тошкент ш.,  
2020 йил 1 май  
ПҚ-4702-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING  
«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
«ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХУСУСИЙ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ  
ЖАЛБ ЭТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОННИ АМАЛГА ОШИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА» 2005 ЙИЛ 2 АВГУСТДАГИ  
180-СОН ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 28 январдаги ПҚ-4135-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий

ахборот воситаларида кенг ёритиш ҳамда инвесторлар ўртасида тушуنтириш ишларини олиб бориш тавсия этилсин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
А.АРИПОВ.*

*Тошкент ш.,  
2020 йил 30 апрель  
264-сон.*

*ЎЗР ВМнинг 2020 йил 30 апрелдаги 264-сон қарорига  
ИЛОВА*

**VAZIRLAR MAHKAMASINING «ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
«ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХУСУСИЙ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ  
РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ  
ФАРМОННИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА»  
2005 ЙИЛ 2 АВГУСТДАГИ 180-СОН ҚАРОРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

1. 1 ва 2-бандлар куйидаги тахрирда баён қилинсин:

«1. Куйидагилар:

«Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасида белгиланган кафолатларни қўллаш ҳақида хабар бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан чет эллик инвестор ўртасида инвестиция шартномаларини тузиш, ўзгартириш киритиш, тугатиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, чет эллик инвесторга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қонун ҳужжатларида белгиланганга

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 1.05.2020 йилдан кучга кирди.

шахсий варақчада кўрсатилган шахс(лар)нинг фамилияси тўлиқлигича, исми ва отаси исмининг бош харфлари ҳамда уларнинг имзолари (тўлов ҳужжати электрон шаклда тақдим этилган бўлса, банк ва мижоз ўртасидаги шартномага асосан берилган электрон рақамли имзо билан тасдиқланади).

14. Халқаро тўловлари амалга ошириш учун банкка тақдим қилинадиган чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари қуйидаги реқвизитлардан иборат бўлади:

тўловнинг тури;  
ҳужжатнинг санаси;  
маблағларни тўловчининг тўлиқ номи ва почта манзили;  
маблағларни тўловчининг ҳисобварағи;  
тўлов суммаси;  
валюта коди;  
тўлов мақсади;  
тўловни амалга ошириш билан боғлиқ банк комиссияси харажатлари;

маблағларни тўловчининг банки номи;  
маблағларни тўловчининг банки почта манзили (мамлакат, шаҳар);

маблағларни тўловчининг банки махсус коди;  
маблағларни олувчининг банки номи;  
маблағларни олувчининг банки почта манзили (мамлакат, шаҳар);

маблағларни олувчининг банки махсус коди;  
маблағларни олувчи банкининг маблағларни тўловчининг банкидаги ҳисобварағи;

маблағларни олувчининг тўлиқ номи ва почта манзили;  
маблағларни олувчининг ҳисобварағи;  
маблағларни тўловчининг олувчига хабари.

15. Тўлов ҳужжатидаги тўлов суммаси рақам ва сўз билан ёзилади, бунда тўлов суммасини сўз билан ёзилганда биринчи сўз катта ҳарф билан ва тийин рақам билан ёзилади.

16. Аккредитивга аризада қўшимча равишда қуйидаги реқвизитлар бўлиши керак:

аккредитивнинг амал қилиш муддати;  
аккредитив очилаётган шартноманинг тартиб рақами ва санаси;

бюртманинг тартиб рақами;  
бюртма берилган сана;  
товарнинг (иш, хизмат) номи;  
тўловларни амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжатнинг тури;

қўшимча шартлар.

17. Агар таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, тўлов ҳужжатларини тўлдирришда маблағларни тўловчи ва олувчининг қисқартirilган фирма номидан фойдаланиш мумкин.

18. Тўлов ҳужжатлари техник воситалардан фойдаланган ҳолда тўлдирилади. Тўлов ҳужжатларини бўяш, чишиш ва тузатишга йўл қўйилмайди.

19. Тўлов топшириқномасида унинг банкка тақдим этилган ва валюталаш санаси кўрсатилади.

Тўлов топшириқномасида кўрсатилган валюталаш санаси тўлов топшириқномаси тақдим этилган санадан эътиборан ўн қўндан ошмаслиги керак.

20. Мижозлар томонидан тақдим этилган тўлов ҳужжатларининг расмийлаштирилиши ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик мижознинг ушбу тўлов ҳужжати имзолаган шахслари зиммасига юклатилади.

Тизим орқали юборилган тўлов ҳужжатларининг қоғоз шаклдаги асл нусхалари банкка тақдим этилмайди. Бунда Тизим орқали юборилган тўлов ҳужжатларидаги маълумотларнинг тўғрилигига мижоз жавобгар ҳисобланади.

21. Банкда 2-сон картотекага кириш қилинган тўлов ҳужжатлари бўйича яқуний тўлов автоматик тарзда амалга оширилади. Бунда тўлов ҳужжати «Тўлов мақсади» графасида яқуний тўлов амалга оширилганлигини билдирувчи «Я/т» белгиси, тўлов ҳужжати рақами, санаси ва дастлабки суммаси кўрсатилади.

22. Банк томонидан қоғоз шаклдаги тўлов ҳужжатлари қуйидаги ҳолларда ижрога қабул қилинади:

тўлов ҳужжатларидаги имзолар (раҳбарлик вазифаларини

ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширадиган шахсининг) ва муҳр изи шахсий варақчада кўрсатилган намунага мувофиқ бўлганда, бундан мазкур банднинг бешинчи хатбосида назарда тутилган талаб мустасно;

якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон ҳўжалиқларидан тўлов ҳужжатларидаги имзо шахсий варақчада кўрсатилган намунага мувофиқ бўлган тақдирда, банк томонидан ижрога қабул қилинади.

Тўлов ҳужжатлари шахсий варақча ва қўлданги шахслар томонидан имзоланиши шарт. Тўлов ҳужжатларини факсимиле усулида нусха қўчириш воситаларидан фойдаланган ҳолда имзолаш тақиқланади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинган тўлов ҳужжатларига муҳр қўйиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

Тўлов ҳужжатларига мазкур бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни илова қилинишига талаблар белгиланиши мумкин эмас.

Банк томонидан электрон шаклдаги тўлов ҳужжатлари банк ва мижоз ўртасида тузиладиган шартномага асосан идентификация воситалари орқали тасдиқланган ҳолда қабул қилинади.

23. Банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қоғоз шаклдаги тўлов ҳужжатлари банк операция куни давомида банкнинг мижозлар билан ишлаш вақтидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

Электрон шаклдаги тўлов ҳужжатлари банкнинг мижозлар билан ишлаш вақтидан қатъи назар тўлов ҳужжати санаси билан у тақдим этилган сана мос келган ҳолларда ижрога қабул қилинади.

24. Банк ҳисобварағидаги маблағлар қуйидагилар асосида ҳисобдан чиқарилади:

қоғоз шаклдаги тўлов ҳужжатларининг асл нусхалари;  
тўлов тизимлари орқали олинган электрон шаклдаги тўлов ҳужжатлари;

Тизимдан фойдаланувчиларнинг умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари орқали юборган электрон шаклдаги тўлов ҳужжатлари ва тўловни амалга оширишга розилиқлари;  
электрон тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган транзакциялар бўйича тузилган электрон шаклдаги ҳужжатлар.

25. Мижознинг ҳисобварағига маблағлар қуйидагилар асосида кириш қилинади:

тўлов ҳужжатларининг қоғоз шаклдаги асл нусхаси ёки Тизим орқали юборилган электрон шаклдаги тўлов ҳужжатлари;

тўлов тизимлари орқали келиб тушадиган электрон шаклдаги тўлов ҳужжатлари;  
электрон тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган транзакциялар бўйича тузилган электрон шаклдаги ҳужжатлар.

26. Тўлов ҳужжатларининг нусхалари, шунингдек маблағларни кириш қилиш ёки ҳисобдан чиқариш амалга ошириладиган электрон шаклдаги тўлов ҳужжатлари мижознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи масъул ходим томонидан имзоланади.

Мижознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи масъул ходим тўлов ҳужжати тўловга қабул қилиш ва маблағларни тўлаш саналарини кўрсатида ҳамда ўзига бириктирилган банк штампни билан тасдиқлайди.

27. Маблағларни олувчининг банки томонидан Тизим орқали тақдим этилган электрон шаклдаги тўлов ҳужжатлари рўйхат кўринишида чоп этилади ва банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар йиғмажидаги тижик қўйилади. Электрон шаклдаги тўлов ҳужжатларини маблағларни олувчига тақдим қилиш тартиби банк ва мижоз ўртасидаги шартномада белгиланади.

### 3-БОБ. МЕМОРИАЛ ОРДЕРЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР

28. Мемориал ордер банклар томонидан фойдаланиладиган нақд пулсиз тўлов ҳужжати бўлиб, ундан қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

мижозлар билан боғлиқ банк операциялари бўйича ҳисоб-китобларда;

банк хизматларини кўрсатиш бўйича ҳисоб-китобларда;  
банкларнинг ички операцияларида;



## 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**1-сон картотека** – тўлов муддатини кутаётган тўлов ҳужжатлари ҳисоби юритиладиган баланسدан ташқари ҳисобварақ;  
**2-сон картотека** – муддатда тўланмаган тўлов ҳужжатлари ҳисоби юритиладиган баланسدан ташқари ҳисобварақ;

**аккредитив** – тўловчи томонидан тўланган ёки тўланиши лозим бўлган маблағ шартнома шартлари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинган тақдирда, маблағларни олувчининг ҳисобига ўтказилишига доир банкнинг шартли мажбурияти;

**акцепт** – тўловчининг, тўлов унинг ҳисобидан амалга оширилишига розилиги ёки қарздорликни тан олганлиги;

**операция куни** – фармойишларни қабул қилиш ва уларга ишлов бериш амалга ошириладиган вақтнинг даври;

**валюталаш санаси** – тўлов ҳужжати асосида пул маблағларини олувчининг ҳисобварағига ўтказиш санаси;

**масофавий хизмат кўрсатиш тизими (бундан буён матнда Тизим деб юритилади)** – электрон хизматлардан фойдаланиш учун тўлов хизматларидан фойдаланувчи ва ушбу хизматларни етказиб беришчи ўртасидаги алоқани таъминлайдиган телекоммуникация воситалари, рақамли ва ахборот технологиялари, дастурий таъминот ва ускуналар мажмуи;

**маблағларни олувчи** – пул маблағларини олувчи шахс;

**маблағларни олувчининг банки** – маблағларни олувчининг пул маблағлари кирим қилинадиган ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк;

**маблағларни тўловчи** – тўлов кимнинг ҳисобидан амалга ошириладиган бўлса, ўша шахс;

**маблағларни тўловчининг банки** – маблағларни тўловчининг пул маблағлари ҳисобдан чиқариладиган ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк;

**шахсий варақча** – тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун имзолар намуналари қўйилган, бошқа юридик шахслар учун имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча;

**электрон тўлов воситалари** – ахборотни ўз ичига олган ва тўловчига тўловни амалга ошириш, шунингдек тўловчи билан электрон тўлов воситаларининг эмитенти ўртасида тузилган шартнома назарда тутилган бошқа операцияларни амалга ошириш имконини берадиган банк картаси ёки бошқа электрон жисм.

2. Банklar орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги тўлов ҳужжатларидан фойдаланилади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига\*\* мувофиқ шаклдаги мемориал ордер;

мазкур Низомнинг 2-иловасига\*\* мувофиқ шаклдаги тўлов топшириқномаси;

мазкур Низомнинг 3-иловасига\*\* мувофиқ шаклдаги тўлов талабномаси;

мазкур Низомнинг 4-иловасига\*\* мувофиқ шаклдаги инкассо топшириқномаси;

мазкур Низомнинг 5-иловасига\*\* мувофиқ шаклдаги аккредитивга ариза.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар электрон тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин, бунда ушбу ҳисоб-китоблар қонун ҳужжатлари ва тегишли тўлов тизими қоидалари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларда қўлланиладиган тўлов ҳужжатларининг тури маблағларни тўловчи ва олувчи ўртасида тузиладиган шартномага (битимга) мувофиқ белгиланиши мумкин, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

4. Банк ҳисобварағи шартномасида бошқа муддатлар белгилаб қўйилган бўлмаса, тегишли тўлов ҳужжати банкка келиб тушган операция кунда мазкур Низомда белгиланган тартибда бажарилади, бундан мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбoshiларда назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

Тўлов ҳужжати операция кунини тугатганидан кейин келиб тушса, у маблағларни тўловчининг банки томонидан кейинги операция

кунини бошланганда олинган деб ҳисобланади ҳамда кейинги операция кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Халқаро тўловлар қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда, тўлов ҳужжатлари олинган пайдан эътиборан икки операция кунидан кечиктирмай бажарилади.

5. Банklar жинсий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш, солиқ ҳамда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган талабларга мувофиқ ҳисобварақлар буйича операцияларни тўхтатиб туришга ёки уларни амалга оширишни рад этишга ҳақли.

6. Етказиб берилган маҳсулот (бажарилган ишлар, хизматлар) учун тўловлар бевосита маҳсулот етказиб бериувчиларга тўланиши керак, тўловларнинг учинчи шахслар (ҳўжалик юритувчи субъектлар) ҳисобидан ундирилишига йўл қўйилмайди, бундан товарларни (хизматларни) электрон тижорат орқали реализация қилиш ҳолатлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар мустасно.

7. Маблағларни маблағларни тўловчининг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилгандан сўнг, маблағларни олувчининг ҳисобварағига ўтказилади, бундан электрон тўлов воситалари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш мустасно.

8. Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида унга қўйилган талабларни бажариш учун зарур бўлган пул маблағлари суммаси мавжуд бўлмаганда ёки етарли бўлмаган тақдирда, маблағларни ҳисобдан чиқариш Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) мувофиқ амалга оширилади.

9. Маблағларни тўловчи ва олувчи ўртасида тузилган шартномага доир мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун тўланиши зарур бўлган пеняни ҳисоблаш ва ундириш буйича банklar жавобгар бўлмайди.

10. Мижоз ҳисоб-китоб операцияларига доир барча масалалар буйича унга хизмат кўрсатувчи банкка муражаат қилади. Банк ва мижоз ўртасидаги низолар улар ўртасида тузилган банк ҳисобварағи шартномасига мувофиқ ҳал қилинади. Ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда, низолар суд орқали ҳал этилади.

11. Банklar ўртасида миллий валютатадаги ўзаро ҳисоб-китоблар банкларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) очилган вакиллик ҳисобварақларидан Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилади.

12. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловлар Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1545, 2006 йил 14 февраль) мувофиқ амалга оширилади.

## 2-БОБ. ТЎЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ РАСМИЙ АШТИРИШ ВА УЛАРНИ ИЖРО ҚИЛИШ

13. Тўлов ҳужжатларида қуйидаги реkvизитлар бўлиши шарт:

тўлов ҳужжатининг номи;  
тартиб рақами;  
ҳужжатнинг санаси;  
маблағларни тўловчининг номи;  
маблағларни тўловчи ҳисобварағининг рақами;  
маблағларни тўловчининг СТИРи (солиқ тўловчининг идентификация рақами);

маблағларни тўловчининг банки номи;  
маблағларни тўловчининг банки коди;  
маблағларни олувчининг номи;  
маблағларни олувчи ҳисобварағининг рақами;  
маблағларни олувчининг банки номи;  
маблағларни олувчининг банки коди;  
тўлов суммаси;  
тўлов мақсади;

\*\*Низомга 1–6-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида таъиниши мумкин.

қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) берилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан чет эллик инвестор ўртасида

2. 1-иловланинг матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ 19-МОДДАСИДА БЕЛГИЛАНГАН  
КАФОЛАТЛАРНИ ҚўЛЛАШ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасида инвесторларга ёки уларнинг инвестицияларига берилган кафолатларни қўллаш ҳақида хабар бериш тартибини белгилайди.

2. Агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестиция киритиш шарт-шароитларини ёмонлаштирсин, чет эллик инвестор тегишли ваколатли органи кафолат қўлланиши тўғрисида хабардор қилади.

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказадиган давлат ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда хизмат кўрсатувчи банклар инвестор томонидан кафолат қўлланиши тўғрисида хабардор қилинадиган ваколатли органлар ҳисобланади.

3. Кафолатларни қўллаш ҳақидаги хабарнома ёзма шаклда: қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари чет эллик инвесторнинг чет элга ўтказиладиган даромадлари (фойдаси)ни репатриация қилиш тартиб-таомиллини мураккаблаштирадиган ёки унинг миқдорини камайтирадиган қўшимча талаблар жорий этилган тақдирда – хизмат кўрсатувчи банкка;

инвестицияларни амалга ошириш ҳажмларига сон жиҳатдан чекловлар ва инвестициялар миқдори бўйича бошқа қўшимча талаблар, шу жумладан, чет эл инвестициялари иштрокидаги корхоналарда чет эл инвестицияларининг энг кам миқдорини кўпайтириш, республика корхоналарининг устас фондларида чет эллик инвесторларнинг улушли қатнашиши бўйича чекловлар шаклидаги талаблар, шунингдек, чет эл инвестицияларини амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талаблар жорий этилган тақдирда – юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказадиган тегишли давлат ташкилотларига;

чет эллик инвесторларнинг визаларини расмийлаштириш ва муддатини узайтиришнинг қўшимча тартиб-таомиллари жорий этилган тақдирда – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ва (ёки) Ички ишлар вазирлигига;

чет эллик инвесторга қонун ҳужжатларида белгиланганга қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари берадиган инвестиция шартномаси мавжуд бўлган тақдирда инвестиция шартномасида кўрсатилган инвестиция киритиш шартлари бўйича – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига юборилади (берилади).

Хабарнома инвестор томонидан инвестиция киритиш шарт-

3. 2-иловланинг матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БИЛАН ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТОР ЎРТАСИДА  
ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ, ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ, ТУГАТИШ ВА АМАЛГА  
ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ чет эллик инвесторларга қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) беришда улар билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан инвестиция шартномалари тузиш, ўзгартириш киритиш, тугатиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

Чет эллик инвесторлар билан уларнинг қўшимча кафолатлар

инвестиция шартномаси тузилади ва шартнома кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади».

ларини ёмонлаштирадиган қонун ҳужжати қабул қилингандан кейин исталган вақтда юборилиши мумкин. Хабарномада чет эллик инвестор инвестиция киритиш шартлари ёмонлашди деб ҳисоблайдиган ҳолатлар ва кафолат амал қилиши муддати мобайнида ўзи қўллаш ниятида бўлган инвестиция киритиш санасида амал қилган қонун ҳужжати ёмонлашди.

4. Чет эллик инвесторнинг хабарномаси чет эллик инвесторга нисбатан ваколатли орган томонидан инвестиция киритган санасида амал қилган қонун ҳужжати қўлланиши учун асос ҳисобланади. Хабарнома, ваколатли органга юборилиши санасидан қатъи назар, инвестиция киритиш шартларини ёмонлаштирадиган қонун ҳужжати кучга кирган пайтдан бошлаб амал қилади.

Ваколатли орган чет эллик инвесторнинг хабарномасига розилик билдирмаган тақдирда, «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддаси чет эллик инвесторга қўлланишининг қонунийлиги тўғрисидаги юридик хулоса учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат қилиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мурожаат олинган пайтдан бошлаб икки ҳафта муддатда тегишли ваколатли органга асосланган хулоса юборади.

Ваколатли орган чет эллик инвесторга кафолат қўлланишининг ноқонунийлиги тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Чет эллик инвесторга кафолат қўлланиши ноқонунийлиги тўғрисида Адлия вазирлигининг юридик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, ваколатли орган давлат божи тўламадсан тегишли даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.

6. Ваколатли органнинг чет эллик инвестор хабарномасига розилик билдирмаслиги, юридик хулоса учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва чет эллик инвесторга кафолат қўлланишининг ноқонунийлиги тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиши чет эллик инвесторга нисбатан кафолат қўлланиши тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланмайди.

7. Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ белгиладиган Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя қилиши таъминлаш билан бевоқиф боғлиқ бўлган қонун ҳужжатлари қабул қилиниши, уларга қўшимчалар киритилиши ёхуд уларнинг бекор қилинишига таътиб этилмайди».

ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериш билан боғлиқ бўлмаган инвестиция мажбуриятларини мустаҳкамлашга йўналтирилган шартномаларни тузиш ва амалга ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан 10 миллион АҚШ долларидан кўп бўлмаган эквивалентда чет эл

инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш ҳуқуқига нисбатан татбиқ этилмайд.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан инвестиция шартномасини тузиш ва амалга ошириш ушбу Низомга 1-иловага\*\* мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

3. Чет эллик инвесторларга кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар):

барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиётининг илгор технология ўзгаришини таъминловчи устувор тармоқларга;

республиканинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришни, республикани жаҳон ҳўжалик алоқаларига интеграциялашни таъминловчи устувор лойиҳаларга инвестиция киритишда ҳар бир аниқ ҳолатда берилади.

Бунда солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қўшимча имтиёзларни чет эллик инвесторлар томонидан ташкил этилган чет эллик инвестициялар иштирокидаги корхоналарга фақат аниқ белгиланган муддатга берилади ва муддатсиз бўлиши мумкин эмас.

4. Узаро келишувга асосан қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериладиган инвесторлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида инвестор билан инвестиция шартномаси тузилади.

5. Инвестиция шартномаси Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда чет эллик инвестор (инвесторлар) ўртасида ёзма шаклда тузилади.

6. Инвестиция шартномаси чет эллик инвесторнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг амалга оширилаётган лойиҳаларга нисбатан ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди ва узаро шартномавий мажбуриятларни ўрнатади.

7. Кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолатларини беришни, лойиҳаларни амалга оширишда давлат томонидан кўмаклашни, жумладан, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга кўмаклашни, инвестиция дастурига киритишни ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ўз ичига олиши мумкин.

8. Инвестиция шартномаси куйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

инвестициялар объекти ва ҳажми, лойиҳанинг бошланиши ва тугалланиши муддатлари;

инвестиция шартномасининг амал қилиш муддати ва шартлари;

коррупцияга ва монополияга қарши қўшимча шартлар;

чет эллик инвесторнинг, шу жумладан, инвестиция киритиш ҳажми, маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, маҳсулот сифати, товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми, шунингдек, аτροφ муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, меҳнат техника хафсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

ҳалқаро стандартларга, шунингдек, энергия самардорлиги ва экология нормалари бўйича замон талабларига мос келадиган замонавий ускуналар ва технологияларни етказиб бериш юзасидан чет эллик инвесторнинг мажбуриятлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг, шу жумладан, қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

молиялаштириш манбалари, лойиҳани амалга ошириш жадваллари, инвестиция лойиҳасининг амалга оширилишини техник назорат қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар;

чет эллик инвестор томонидан унинг мажбуриятлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари; томонларнинг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилмаганлиги учун жавобгарлиги, шу жумладан, чет эллик инвестор

торга давлат органлари мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек, инвестиция шартномасига мувофиқ чет эллик инвестор ўз мажбуриятларига риоя қилмаганда ёки лозим даражада риоя қилмаганда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ўз мажбуриятларини бажаришни бир томонлама тартибда рад этиш ҳуқуқи;

инвестиция шартномасига ўзгартишлар киритиш тартиби;

инвестиция шартномасини бекор қилиш тартиби;

инвестиция шартномаси тарафлари ўртасидаги инвестиция шартномаси қондалари билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби, низоларни кўриб чиқиш жойи ва органи. Бунда Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлат суди, Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлат ҳудудида ташкил этилган халқаро тижорат арбитражи низоларни кўриб чиқувчи орган сифатида белгиланиши мумкин.

Инвестиция шартномасида инвестиция лойиҳасининг ўзига хос хусусиятларига қараб бошқа шартлар, шу жумладан, куйидаги шартлар ҳам бўлиши мумкин:

ҳудуднинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича томонларнинг узаро мажбуриятлари;

чет эл инвесторнинг шартнома шартларини бажариш натижасида ишлаб чиқарган, ўзига тегишли бўлган маҳсулотни ва олинган фойдани (даромадларни) Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ҳуқуқи;

чет эл инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасидан ходимларни ёллаш ва ўқитишга доир мажбуриятлари, технологиялардан фойдаланиш шартлари, шунингдек, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланганидан сўнг ташкил этилган ташкилот ходимларини ўқитиш бўйича мажбуриятлари.

Инвестиция шартномасида чет эл инвесторига уни бозорда устун мавқега қўядиган мулқлар қондалар ва ҳуқуқлар берилиши таққиланади.

9. Инвестиция шартномасини тузиш бўйича тақлиф билан ташаббус кўрсатиш чет эллик инвестор томонидан мустақил равишда ёки давлат бошқаруви органлари, ҳўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳўкимият органлари ёхуд ҳўжалик юритувчи субъектлар (кейинги ўринларда – лойиҳа ташаббускорлари) билан биргаликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Инвестиция шартномасини тузиш учун чет эллик инвестор мустақил равишда ёки лойиҳа ташаббускорлари билан биргаликда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига (кейинги ўринларда – Вазирлик) ёки Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурдаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) куйидагиларни тақдим этади:

инвестиция шартномасини тузишнинг мақсади, инвестиция фаолияти объектига инвестиция киритиш ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан мавжуд тажрибаси (мавжуд бўлган тақдирда) тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ариза;

ушбу Низомга 2-иловада\*\* келтирилган намунавий шаклига мувофиқ Инвестиция шартномаси лойиҳаси;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ваколатли органларда эълотриладан ўтказилган техник-иқтисодий асослаш (техник-иқтисодий ҳисоблаш) асосида бажарилган лойиҳа бизнес-режиси.

Вазирлик ёки Агентлик тегишли давлат органларининг ҳулосаларини, хусусан, инвестиция шартномаси лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси юзасидан – Адлия вазирлигининг ҳулосасини, инвестиция лойиҳасини молиявий-иқтисодий баҳолаш юзасидан – Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққийт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳулосаларини, чет эллик инвесторларга ва (ёки) ташкил этиладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонага қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча равишда кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериш юзасидан – Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси ҳулосаларини олади.

\*\*Низомга 1–2-иловалар «СБХ»да чоп этилмайд. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида таншиши мумкин.

10. Чет эллик инвестор томонидан тақдим этилган инвестиция шартномаси лойиҳаси ва бошқа материалларни инвестиция шартномаси лойиҳаси олинган кундан бошлаб ўн беш кун мобайнида ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилади.

Агар инвестиция шартномаси қайта ишлаш учун қайтарилса, шунингдек, ушбу Низомнинг 9-банди олтинчи хатбошида да кўрсатилган давлат органларининг эътирозлари мавжуд бўлган тақдирда, кўриб чиқиш мuddати қайта ишлаб чиқилган инвестиция шартномасининг лойиҳаси олинган кундан бошлаб ҳисобланади.

Инвестиция шартномаси лойиҳаси ва бошқа материалларни кўриб чиқиш учун кўшимча ўрганиш ва текшириш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш талаб этилган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш мuddатлари тегишли давлат органининг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахси томонидан узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда чет эллик инвесторга ёзма равишда хабар қилинади.

11. Зарурат бўлганда инвестиция шартномаси қоидаларини келишиб олиш мақсадида Вазирлик ёки Агентлик ҳамда чет эллик инвестор (инвесторлар) ўртасида музокаралар ўтказилади.

12. Вазирлик инвестиция шартномаси лойиҳасини барча ваколатли органлар билан келишгандан сўнг уни Вазирлар Маҳкамасига киритади. Вазирлар Маҳкамаси инвестиция шартномаси лойиҳасини кўриб чиқади ва уни белгиланган тартибда маъқуллайди ёки эътирозлар бўлган тақдирда қайта ишлаш учун қайтарилди. Инвестиция шартномаси маъқулланган тақдирда Вазирлик томонидан имзоланади.

13. Инвестиция шартномасини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тегишли қарори лойиҳаси Вазирлик томонидан тайёрланади ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган тартибда Ҳукуматга киритилади.

Агар инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланиши (техник-иқтисодий ҳисоби) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши керак бўлса, инвестиция шартномасини тасдиқлаш тўғрисидаги тегишли банд инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланиши (техник-иқтисодий ҳисоби)ни тасдиқлаш ҳақидаги Ҳукумат қарори лойиҳасига киритилиши мумкин.

Агар инвестиция шартномасида солиқ ҳамда божхона имтиёзлари ва преференциялари бериш назарда тутилса, бундай шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

14. Чет эллик инвестор билан инвестиция шартномаси уни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кучга киради, ушбу қарорда бошқача қоидалар назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

15. Чет эллик инвестор инвестиция шартномасида белгиланган тартибда ва мuddатларда Вазирликка қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади. Вазирлик инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг чет эллик инвестор томонидан бажарилиши мониторингини олиб боради.

16. Инвестиция шартномасига ўзаро келишуга кўра ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин, улар ёзма шаклда расмийлаштирилади ва инвестиция шартномасида белгиланган тартибда кучга киради.

Инвестиция шартномасига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ушбу Низомда белгиланган инвестиция шартномасини тузиш тартибига асосан амалга оширилади.

17. Инвестиция шартномасини Бекор қилиш инвестиция шартномасида назарда тутилган тартибда, шу жумладан, қуйидаги асослардан бири бўйича амалга оширилади:

инвестиция шартномасида кўрсатилган амал қилиш мuddатининг тугаши ёки чет эллик инвестор томонидан инвестиция шартномаси бўйича ўз мажбуриятлари тўлиқ ҳажмда бажарилиши;

томонларнинг ўзаро келишувига кўра; чет эллик инвестор томонидан инвестиция шартномаси бўйича олинган мажбуриятларнинг бузилиши ёки бажарилмаслиғи ҳолларида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ташаббуси билан.

Қўшимча кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чораларининг (имтиёзлар ва преференциялар) амал қилиш мuddати инвестиция шартномасининг амал қилиш мuddати тугаши билан тўхтатилади ёки инвестиция шартномасида назарда тутилган тартибда бундай мuddат тугашидан аввал тўхтатилиши мумкин.

18. Ушбу Низомнинг амал қилиши у кучга киргандан кейин амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларига нисбатан татбиқ этилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР**  
**ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди,  
рўйхат рақами 3229*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Тошкент ш.,  
2020 йил 15 февраль  
3/12-сон.

**Марказий банк раиси М.НУРМУРАТОВ.**

*ЎЗР Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 3/12-сон қарорига*  
**ИЛОВА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ**  
**НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида юридик ва жисмоний шахсларнинг тўлов ҳуж-

жатларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китобларини амалга ошириш тартибини белгилайди, бундан бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар мустасно.

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 13.04.2020 йилдан кучга кирди.

## КОД ЎЗГАРТИРИЛСА – МАҚОМ ХАМ ЎЗГАРАДИ

**?** Бизнинг МЧЖ 2018 йилнинг охирида рўйхатдан ўтказилган, унга ИФУТ бўйича 41.20.1 «Уй-экойлар қурилиши» коди берилган. Уй-экойлар қурилиши 2019 йил апрель-май ойларида бошланган, бир вақтнинг ўзига 2019 йил октябрдан бошлаб ЎзР ТХБ орқали олинган цемент сотилган. Статистик ҳисоботларни тақдим этишида улгурэси савдодан тушум ҳисобга олинган. Қурилиш тугалланмаганлиги сабабли бизга уй-экой қурилиши бўйича тушум бўлмаган. Статистик ҳисоботлар топширилганидан сўнг ИФУТ бўйича 46.73.0 «Ёғоч материаллари, қурилиш материаллари ва санитария-техника ускуналари улгурэси савдоси» коди берилди. Статистика органи томонидан йил якунлари бўйича берилган ИФУТ коди корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида берилган коддан фарқ қилиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

– Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ) иқтисодий фаолият бирликларини (айрим корхоналар ёки корхоналар гуруҳини) таснифлаш учун мўлжалланган, иқтисодий статистика соҳасида (ишлаб чиқариш, бандлик, миллий счётлар ва бошқаларда) статистик маълумотларни тайёрлаш учун асос бўлади ва куйидагиларда қўлланилиши мумкин:

- статистик бирликлар билан тақдим этиладиган бошланғич статистикада, шунингдек статистик маълумотларни агрегатлаш жараёнида;
- миллий счётлар тизимида мувофиқ макроиқтисодий ҳисоб-китоблар қилишда;
- статистик маълумотларнинг халқаро алмашинувида;
- республика ва ҳудудий миқёсда иқтисодий-статистик таҳлил ўтказиш учун;
- бошқарув органлари, вазирликлар ва идоралар, илмий-тадқиқот

муассасаларининг кундалик иқтисодий амалиётида.

ИФУТ бўйича код ҳақиқий асосий фаолият туридан келиб чиққан ҳолда берилди. 2019 йил якунларига кўра сизда асосий фаолият тури савдо бўлган, сабаби корхонада қурилиш бўйича тушум олинмаган.

**Асосий фаолият тури ўзгартирилса, корхонани кичик бизнес субъектлари жумласига киритиш учун ўртача йиллик ходимлар сони мезони ҳам ўзгартирилади, бундан келиб чиқиб молиявий ҳисобот топшириш даврийлиги, асосий воситаларни мажбурий тартибда қайта баҳолаш даврийлиги, шунингдек муайян солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ва солиқларни тўлаш бўйича муддатли кечиктириш тартиби белгиланади.** Ушбу мақсадларда Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотларнинг таснифлагичига амал қилиш лозим (*ВМнинг 24.08.2016 йилдаги 275-сон қарорига 1-илова*).

## ҚҚС: ШАРТСИЗ ИМТИЁЗЛАР

**?** «Ургут» ЭИЗ иштирокчиси томонидан мазкур имтиёз мақсадли ҳисобланганлиги сабабли товарларни импорт қилишда тўланмаган ҚҚС суммаси ҳисобга олиниши мумкин. Товарларни импорт қилишда мақсадли имтиёз амал қилиш муддати тугагунига қадар амал қиладими?

– Саволингизга жавоб Молия вазирлигининг 16.04.2020 йилдаги 06/04-01-03-32/1107-сон хатининг 13-бандида келтирилган:

«2020 йил 1 апрелдан солиқ тўловчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар солиқ солишидан озод этилган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириш шартларисиз қўлланилади. 2020 йил 1 январга қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҚҚС бўйича солиқ имтиёзлари амал қилиш муддати тугагунига қадар амал қилади, бироқ 2020 йил 1 апрелдан солиқ солишидан озод этиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш талаби бекор қилинади».

Махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари Солиқ кодексига назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланадилар (*17.02.2020 йилдаги ЎРҚ-604-сон Қонуни 39-моддаси*). СКда ҚҚС бўйича имтиёзлар, шу жумладан товарлар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига олиб кирилишида (импортда) солиқ солишдан бўшаган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириш шarti билан берилиши мумкин эмаслиги назарда тутилган (*СК 75-м. 8-қ.*).

Президентнинг 26.10.2016 йилдаги ПФ-4853-сон Фармонининг 3-бандига асосан ЭИЗ иштирокчиларига импорт қилиш чоғида ҚҚС бўйича

имтиёзлар тақдим этилган. «Ургут» ЭИЗ иштирокчиларига Президентнинг 12.01.2017 йилдаги ПФ-4931-сон Фармоннинг 6-бандига асосан имтиёз тақдим этилади. ПФ-4853-сон Фармоннинг 4-бандига эса инвестиция миқдоридан келиб чиққан ҳолда имтиёзнинг амал қилиш муддати белгиланган. Шу тариха, ушбу имтиёзлар мақсадли йўналтириш шартларисиз амал қилиш муддати тугагунига қадар амал қилади. Бу тўланмаган, лекин божхонадан ўтказишда БЮДда кўрсатилган ҚҚС суммаси ҳисобга олинмаслиги лозимлигини англатади.

**?** Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0116-«Қўшилган қиймат солиғи бўйича харажатлар» сатрида қандай харажатлар кўрсатилади?

## ҚҚС БҲЙИЧА ХАРАЖАТЛАР – ФОЙДА СОЛИҒИ ҲИСОБ-КИТОБИДА

– Фойда солиғи ҳисоб-китобига (3-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 2-илловаси 0116-«Қўшилган қиймат солиғига доир харажатлар» сатрида ҚҚСнинг ҳисобга олинмаган, корхона харажатлари сифатида акс эттирилган суммаси кўрсатилади.

ҚҚС тўловчи куйидаги ҳолларда ҳисобга олиниши лозим бўлмаган ҚҚС суммасини харажатларга киритишга ҳақи бўлади:

1) мутаносиб усул қўлланилганда, агар ҳисобга қабул қилинмаган ҚҚС фойда солиғини ҳисоблашда

чегириладиган харажатлар таркибидан ҳисобга олинган бўлса;

2) СКнинг 269 ва 270-моддаларига мувофиқ ҚҚСга тузатиш киритилганда, агар тузатиш суммаси олинган товарлар (хизматлар) қийматига киритилиши мумкин бўлмаса;

3) СК 271-моддасида назарда тутилган тартибда мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришда илгари ҳисобга қабул қилинган ҚҚС суммасига тузатиш киритилганда.

Айнан ушбу ҚҚС суммалари Ҳисоб-китобга 2-илованинг 0116-сатрида кўрсатилади.

## АДВОКАТЛАР ҲАЙЪАТИГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

**?** Адвокатлик бюроси қандай солиқларни тўлайди ҳамда қандай солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни топширади?

– Адвокатлик бюроси ижтимоий солиқ тўлайди, шунингдек адвокатларнинг даромадидан ЖШДС-ни ушлаб қолади.

Адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмалари, адвокатлик бюроси ва адвокатларга солиқ солишининг ўзига хос жиҳатлари СК 477, 478-моддаларида белгиланган.

Адвокатлик бюроси адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам билан боғлиқ фаолият қисмида солиқ ва йиғимларни тўлашдан озод этилади, бундан куйидаги мустасно:

- божхона тўловлари;
- ижтимоий солиқ;
- автотранспорт йиғими;
- тўлов манбада ушлаб қолинган солиқлар.

Юридик ёрдам кўрсатганлиги учун адвокатлар олган гонорар суммаларига куйидаги ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, СК XIII бўлимида белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи солиниши лозим:

- адвокатнинг даромадлари жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинган солиқ солинадиган объект ҳисобланади;
- адвокатнинг даромади юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун олинган сумма ва адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюроси таъминоти учун ўтказилган маблағлар суммалари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Солиқ базаси адвокатнинг даромадида ҳисобга олинган ижтимоий солиқни чегирган ҳолда ад-

вокат даромадларидан келиб чиқиб аниқланади.

Адвокатлик бюроси томонидан тадбиркорлик фаолияти (адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилиши билан боғлиқ бўлмаган) амалга оширилган тақдирда, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар учун СКда назарда тутилган тартибда солиқлар ва йиғимлар тўланади.

Адвокатлик бюроси Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинган солиқ ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобини (4-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилдаги 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай тақдим этади (*СК 389-м.*).

Адвокатлик бюроси томонидан тадбиркорлик фаолияти (адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилиши билан боғлиқ бўлмаган) амалга оширилган тақдирда, у тегишли солиқ ҳисоботларини СКда назарда тутилган тартибда ва муддатларда тақдим этади.

Адвокатлик бюроси молиявий ҳисоботларни куйидаги тартибда тақдим этади (*АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган*):

• **чораклик** – ҳисобот даври тугагандан кейинги ойнинг 25-санасига қадар;

• **йиллик** – ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай (*АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 4-банди*).

Замира ЖҲРАЕВА, «Норта» МЧЖ эксперти.

## ТИФ ИШТИРОКЧИЛАРИ САВОЛЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида (19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон) биноан Давлат божхона қўмитасида юкларни чегара божхона постлари орқали тезкорлик билан ўтказиш, уларнинг узлуксиз божхона расмийлаштирувини, шунингдек, экспорт ва импорт қилинаётган товарларга рухсат берувчи ҳужжатларнинг берилишини таъминлаш бўйича тезкор штаб фаолияти йўлга қўйилган.

2020 йилнинг 16 мартдан 23 апрели давомида тезкор штабга Давлат божхона қўмитасининг 11-08 қисқа рақамли ишонч телефони орқали коронавирусга қарши кучайтирилган тартиб даврида божхона тартиботларининг амал оширилишига доир 5 300 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушган.

Эътиборингизга Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган брифингга тезкор штаб ва Агентлик штабига келиб тушган энг кўп берилган саволларга жавоблар ҳавола қилинади.

### Имтиёзли шартлар – Рўйхат бўйича

– *Четдан келтирилган юкларимиз ҳозирги вақтда вақтинча сақлаш божхонада режимида жойлаштирилган. Бошқа товарлар қатори улар орасида ювувчи, дезинфекция қилувчи воситалар ва бошқа гигиена товарлари бор.*

*Яқинда айрим турдаги товарларни имтиёзли асосда олиб кириш бўйича Президентимизнинг Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон қабул қилинганга қадар олиб кирилган товарларга ҳам ушбу имтиёзлар татбиқ этиладими?*

– Президентнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон) 1-иловага мувофиқ товарларни олиб киришда қўшимча тарзда божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкалари белгиланган. Ўзбекистон ҳудудига олиб киришда 2020 йил 31 декабрга қадар божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкалари белгиланган товарлар рўйхатига 20 та товар позицияси киритилган (ПФ-5978-сон Фармонга 1-илова). Булар сирасига озик-овқат товарлари ва санитария-гигиена ҳамда тиббиёт учун мўлжалланган товарлар кирди.

Фармон иловасида божхона тўловларидан озод этилган товарларнинг ТИФ ТН келтирилган бўлиб, тадбиркорлар томонидан олиб кирилган товарлар мазкур кодлар билан таснифланган бўлса, олиб кирилган санасидан қатъи назар, «Эркин муомалага чиқариш» божхона режимига расмийлаштирилганда божхона божи ва акциз солиғининг ноль ставкалари қўлланилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, жорий йилнинг 4–22 апрель кунлари давомида мамлакатимизга 40 минг тоннадан ортиқ 29 млн АҚШ долларлик шу турдаги маҳсулотлар импорт қилинган.

### Паррандачиликка божхона имтиёзлари

*Давлатимиз раҳбари томонидан кичик бизнесни ривожлантириш масаласига қат-*

*та эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бугунги кунда қишлоқ шароитидан келиб чиқиб, паррандачилик фаолияти билан шуғулланиш учун тадбиркорлик субъектларига божхона соҳасида қандай имтиёзлар борлигини айтиб берсангиз?*

– Президентнинг «Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг (13.11.2018 йилдаги ПҚ-4015-сон) 16-бандига мувофиқ, насли она товуқ ва барча турдаги технологик асбоб-ускуналар сотиб олиш, парранда етиштиришни ташкил этиш, парранда маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, инкубация цехларини ташкил этиш, паррандачиликка ихтисослашган бино-иншоотларни куриш ва қайта таъмирлаш, махсус техника, эҳтиёт қисмлар ва бошқа асосий воситалар ўрнатилган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича 2021 йил 1 ноябрга қадар божхона тўловларидан озод этилган (16-банд).

Мазкур қарор талаблари асосида 2020 йилнинг I чорагида мамлакатимизга умумий қиймати 3,2 млн долларлик товарлар импорт қилинган бўлиб, ушбу товарларга божхона тўловларидан 5,1 млрд сўмлик имтиёзлар қўлланилган.

### Иссиқхона комплексларини куриш учун

*Бугунги кунда республикаимизга иссиқхона комплексларини куриш учун четдан олиб келинадиган товарларга нисбатан божхона тўловлари бўйича қандай имтиёзлар мавжуд?*


– Бугунги кунда иссиқхона комплекслари ва уларни ишлаб чиқариш учун четдан олиб келинадиган товарларга нисбатан имтиёз қўллашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг бир нечта амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мавжуд.

Хусусан, 2021 йил 1 январга қадар республикада ишлаб чиқарилмайдиган иссиқхона комплекслари божхона тўловларидан озод қилинган (6.03.2018 йилдаги Ф-5230-сон фармойиш).

Шунингдек, Президентнинг 29.03.2018 йилдаги ПҚ-5388-сон Фармони ҳамда 20.11.2018 йилдаги ПҚ-4020-сон қарори талабларига мувофиқ замонавий энергия тежовчи иссиқхоналар ва уларнинг бутловчи қисмлари гофрланган картон идиш ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган ва белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кириладиган, ускуна, хом ашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар божхона тўловларидан озод этилган.

### Чекловларсиз экспорт-импорт

– *Мен Самарқанд вилоятида паррандачилик фаолияти билан шуғулланаман. Россия Федерациясидан парранда учун дон импорт қилсам бўладими?*



– Жаҳон миқёсида тобора кенг тарқалиб бораётган коронавирус инфекциясининг республикамизга кириб келиши ва тарқалиши олдини олиш мақсадида Давлат чегарасида жойлашган ўтказиш пунктлари орқали 2020 йил 16 март кундан бошлаб фуқаролар ва йўловчи ташувчи транспорт воситалари (автобус, енгил автотранспорт) воситалари, темир йўл ва ҳаво транспорти) ҳаракати вақтинча тўхта-тилган бўлса-да, ушбу чекловлар истисно тариқасида халқаро юк ташувчи транспорт воситаларига татбиқ этилмаслиги белгиланган ҳамда жорий қилинган чекловлар экспорт-импорт операцияларини амалга оширишга тўсқинлик қилмайди.

### Карантин даврида кечиктириб ва бўлиб-бўлиб тўлаш

– *Ҳозирги карантин кунларида четдан келтирилатган товарлар учун ҳисобланган қўшилган қиймат солиғини тўлашда биз тадбиркорлар учун кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти борми?*

– Божхона кодексининг 329-моддасида божхона органининг қарорига асосан тўловчига божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти божхона декларацияси қабул қилинган кундан эътиборан 60 календарь кундан ошмаган муддатга берилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти Президент ёхуд Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан узоқроқ муддатларга ва божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳолда берилиши мумкин.

Президентнинг «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида (27.06.2019 йилдаги ПФ-5755-сон) асосан қўшилган қиймат солиғини тўловчиси бўлган хўжалик юритувчи субъектларга товарларни олиб кирганда, шунингдек, иш (хизмат)ларни импорт қилганда импорт қилинган товарлар (иш, хизматлар) учун қўшилган қиймат солиғидан имтиёз ўрнига 120 кунгача бўлган муддатга қўшилган қиймат солиғини тўлашни кечиктириш механизмларидан фойдаланиш имконияти назарда тутилган (10-банд).

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига божхона тўловларини кечиктириш имконияти тақдим этилган (ВМнинг 10.02.2020 йилдаги 76-сон қарори).

Жорий йилнинг I чораги давомида тадбиркорлик субъектларига жами 2 205 та божхона юк декларациялари бўйича 254,7 млрд сўм миқдордаги ҚКСни кечиктириб тўлаш имконияти берилган.

## ДБКдан ЖАВОБЛАР

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қўшилган қиймат солиғини кечиктириб тўлаш имкониятини олиш учун бојхона расмийлаштируви амалга ошириладиган давлат бојхона кўмитасининг худудий бојхона бошқармасига мурожаат қилиниши лозим.

### Сертификатлаш – «Ягона дарча» орқали

– Карантин даврида экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва сертификатларни тегишли идоралардан олишда қандай қулайликлар мавжуд?

– Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб, экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва сертификатларни «Ягона дарча» бојхона ахборот тизими орқали «Ўз-стандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, «Ўзбекэкспертиза» АЖ, «Ўздавқарантин» томонидан электрон равишда расмийлаштириш йўлга қўйилди.

Тадбиркорлар интернетдаги *yagonadarcha.uz* манзилида жойлашган ушбу тизим орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва сертификатларни олиш учун ариза юборишса кифоя.

Аризага жавобан берилган ҳужжат ва сертификатлар мазкур портал орқали бир вақтнинг ўзида ҳам тадбиркорга, ҳам бојхона органларига бојхона расмийлаштируви учун тақдим этилади.

Ҳозирга келиб «Ягона дарча» БАТдан 14 мингга яқин ТИФ иштирокчиси фойдаланмоқда. Тизим орқали қисқа муддат давомида 146 мингдан ортиқ рухсатнома ва сертификатлар электрон равишда тақдим қилинган.

### Имтиёзли юк автотранспорти


– Хориждан юк ташиш учун мўлжалланган автомобиль олиб келишда имтиёзлар мавжудми?

– 2022 йил 1 январга қадар ишлаб чиқарилганига 4 йилдан ошмаган, юк ташиш учун мўлжалланган транспорт воситалари (самосваллардан ташқари) бојхона тўловларидан (ҚҚС ва бојхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинган (6.03.2019 йилдаги ПҚ-4230-сон қарорнинг 9-банди).

### Томчилатиб суғориш тизими учун

– Мамлакатимизга томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий этиш учун зарур бўлган бутловчи қисмлар ва хом ашёларни олиб киришда бојхона тўловларидан имтиёзлар қўлланиладими?

– Президентнинг «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувват-



лаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (18.03.2019 йилдаги ПҚ-4243-сон) мувофиқ 2022 йил 1 январга қадар озубоқаб экинлар этиштирувчилар, шунингдек томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчилар томонидан олиб кириладиган, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий этиш учун зарур бўлган бутловчи қисмлар ва хом ашёлар мазкур қарорнинг 7-илловасидаги рўйхатга мувофиқ бојхона тўловларини тўлашдан (қўшилган қиймат солиғи ва бојхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилган (16-банд).

### Жўнатмалар – фақат «Ўзбекистон почтаси» орқали

– Хитойда ишлар қайта тиклангани сабабли биз интернет орқали нарса буюртма қилсак, етиб келадими? Бојхонадан ўтказиладими?

– Коронавирус инфекциясининг республикамизга кириб келиши ва тарқалиши олдини олиш мақсадида жорий йилнинг 1 февралдан бошлаб Хитой Халқ Республикасидан кириб келувчи барча турдаги почта ва курьерлик жўнатмаларини қабул қилиш вақтинча тўхтатилган эди.

Бирок, 2020 йил 27 февралдан бошлаб Хитой Халқ Республикасидан фақатгина «Ўзбекистон почтаси» АЖ орқали кириб келаётган жўнатмаларни қабул қилишга рухсат этилган.

### Асбоб-ускуналарга тариф имтиёзлари

– Бугунги кунда республикамизга четдан олиб келинадиган технологик асбоб-ускуналарга нисбатан бојхона тўловларидан қандай имтиёзлар мавжуд?

– Солиқ кодексининг 246-моддаси 6-банди ва Бојхона кодексининг 297-моддаси 2-қисми 13-бандига мувофиқ, бојхона худудига қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналарга нисбатан бојхона божидан озод этиш тарзидаги тариф имтиёзлари берилиши назарда тутилган.


Маълумот учун айтиш жоизки амалдаги қонунчиликда технологик асбоб-ускуналарга нисбатан акциз солиғи белгиланмаган.

### Тиббий буюмлар ишлаб чиқариш учун хом ашёни экспорт қилиш тўхтатилди

– Коронавирус пандемияси сабабли дунё мамлакатлари турли товарлар экспортига ҳар хил чекловлар қўймоқда. Ўзбекистонда ҳозирги даврда қайси маҳсулотларни четга экспорт қилишга чекловлар ўрнатилган?

– Вазирлар Маҳкамасининг «Коронавирус пандемияси даврида тиббий буюмлар учун хом ашё экспорти ва цемент маҳсулотлари импортига чекловлар жорий этиш тўғрисида»ги қарорига (23.04.2020 йилдаги 247-сон) асосан жорий йилнинг 1 майдан 31 декабрга қадар тиббий никоблар учун хом ашё товарларининг экспорти учун вақтинча чеклов ўрнатилган.

Химия никобларининг ички бозордан ортиқ ҳажмини Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ва «Дори-дармон» компаниясининг ўзаро қўшма ҳулоса асосида экспортга чиқаришга рухсат берилган.



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда коронавиралар пандемияси кириб келиши ва тарқалиши олдини олиш борасида жорий қилинган чекловлар истисно тариқасида халқаро юк ташувчи транспорт воситаларига татбиқ этилмаслиги белгиланган ҳамда республикамиздан турли давлатларга юқорида кўрсатилган товарлардан бошқа экспорт товарларини олиб чиқишга чекловлар жорий этилмаганлигини маълум қиламиз.

### Уруғлар, кўчатлар ва минерал ўғитларни олиб келишга доир

– Хориждан уруғлар, кўчатлар ва минерал ўғитлар олиб келмоқчиман. Бу масалада тадбиркорларга қулайликлар борми?

– Президентнинг ПФ-5388-сон Фармонида мувофиқ 2021 йил 1 январга қадар четдан олиб кириладиган уруғлар, кўчатлар ва пайвандтаглар, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий химоялаш воситалари бојхона тўловларидан (бојхона расмийлаштируви учун йиғим бундан мустасно) озод этилган (6-банд).

Фурсатдан фойдаланиб, юртдошларимиз, хусусан ТИФ иштирокчиларининг бојхона соҳасига доир саволлари бўлса, ДБКда узлуксиз фаолият кўрсатаётган – 11-08 қисқа рақамли долзарб алоқа тармоғи орқали мурожаат қилиш мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

ДБК Матбуот хизмати.

«Бојхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

✓ ЭЛ БОШИГА ИШ ТУШГАНДА

## БОЖХОНАЧИЛАР «САХОВАТ ВА КЎМАК» ТАДБИРЛАРИДА ФАОЛ

Бугунги синовли кунларда ҳар бир замондошимиз имкон қадар халқимиз оғирини енгил қилишга бел боғлаган.

Коронавирус пандемияси даврида ва муборак Рамазон ойи бошланиши билан меҳр-саховат ишларини амалга ошириш мақсадида мамлакатимиз бўйлаб вақтинча ишсиз, камбағал, боқувчисини йўқотган, касалманд, ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож оилалар ҳолидан хабар олинмоқда.

Шу кунларда Сирдарё вилояти божхона бошқармаси томонидан ҳам эзгу ишларни амалга ошириш мақсадида тегишли тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Ховос туманининг энг чекка ҳудудларида жойлашган «Бўстон», «Қаҳрамон» ва Хуснобод маҳаллаларида истиқомат қилувчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ноғиронлиги бор 10 та оиланинг ҳолидан хабар олиниб, уларнинг ҳар бирига 12 турдаги кундалик зарурий озик-овқат маҳсулотлари ва моддий ёрдам етказиб берилди.



Шунингдек, оилаларнинг турмуш тарзи, моддий аҳволи, мавжуд муаммолари, томорқаларидан самарали фойдаланиш имкониятлари ўрганилиб, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда биринчи навбатда уларни иш билан таъминлаш чоралари белгиланмоқда.

*Сирдарё вилояти божхона бошқармаси  
Ахборот хизмати.*

✓ ХОТИРА – МУҚАДДАС ТҮЙҒУ



Ҳар даврнинг ўз қаҳрамонлари, ҳар масканнинг ўз «йўлчи юлдуз»лари бўлади. Сурхондарё вилояти Шеробод туманида божхоначи Ботир Давлатов ана шундай қаҳрамонлардан ҳисобланади.

## ШЕРОБОДДАГИ МАКТАБДА БОЖХОНАЧИГА БЮСТ ЎРНАТИЛДИ

Эндигина 28 ёшни қаршилаган Ботир Давлатов 1998 йилнинг 18 февраль кuni мамлакатимиз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш чоғида «Октош» божхона постида содир бўлган отишмада ҳалок бўлган.

– Ўғлим Ботиржон болалигидан жуда меҳнатсевар, меҳрибон ва оққўнғил бўлиб ўсган, – дея фарзандини хотирлайди Ҳайитой ая Курбонова. – Бировлардан ҳеч қачон ёрдамини аямас эди. Хизматдан бўш вақтларида бекор юрмас, боғни, чорвани, деҳқончиликни хуш кўрар эди. Турли дарахт ва гулларни экиб, уларни парвариш қиларди. Сайроб қишлоғида у ташкил этган боғ ҳар баҳор гуллаб-яшнайдди, бизга уни эслатиб туради.

Ботир Давлатовнинг орзуси – Ўзбекистон Республикасининг буюк келажагини кўриш ва юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссасини қўшиш эди. Шундай ҳам бўлди. Хизмат вазифасини ўташ вақтида қонунбузарлар билан тўқнаш келганда ўзининг мардлигини, эзгу орзу-мақсадини амалда кўрсатиш фурсати келганини билди – ғаламис контрабандчиларга қарши мардонавор пешвоз чиқа олди.

– Мактабда Ботир билан бир партада ўтирар эдим, – деб хотирлайди унинг яқин дўстларидан бири Тўйчибой Пардаев. – Мактабда таълим олиш даврида у ўз билими ва тириш-

қоклиги билан ҳаммамиздан ажралиб турар эди. Барча синфдошлар унга ҳавас қилардик. Ҳеч қимдан ёрдамини аямасди.

Ота изидан боришга аҳд қилган Сабогул Маматкулова бугунги кунда Давлат божхона кўмитаси Божхона институтига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинган.

Б.Давлатов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 27 августдаги Фармонида асосан вафотидан сўнг «Жасорат» медали билан тақдирланди. Шеробод туманидаги кўчаларнинг бирига унинг номи берилган.

Кuni кеча эса Шерободда яна бир хушхабар тарқалди – қаҳрамон божхоначи Ботир Давлатов ўқиган «Пошхурт» маҳалласидаги 33-сонли умумтаълим мактаби ховлисига унинг мардонавор қиёфаси акс этиб турган зарҳал бюсти ўрнатилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган хотира тадбирида Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари, туман фаоллари иштирок этиб, қаҳрамон божхоначи хотираси ва босиб ўтган ёрқин ҳаёт йўлини ёлга олишди. Зеро, юрт ўғлонларининг хотираси бардавомдир.

*Сурхондарё вилояти  
божхона бошқармаси  
Ахборот хизмати.*

✓ ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

## НОУТБУК ХАЛТАСИДА ҚАНДАЙ «МУЖДА» БОР ЭДИ

Ноутбук, планшет ва бошқа гаджет технологиялари одатда билим ва маърифат тарқатувчи воситалар ҳисобланади. Лекин божхона органлари ходимлари иш жараёнида бу замонавий технологияларни қалқон қилиб олмоқчи бўлган «олчок»ларни аниқлашди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари Давлат хавфсизлиги хизмати вакиллари билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг Чилонзор туманида тезкор тадбир ўтказишганда туманда ҳаракатланиб кетаётган С.С. бошқарувидаги «Ласетти» транспорт воситаси-

ни тўхташиб, ўрнатилган тартибда кўздан кечиришди. Натижада автотомашина салонидagi ноутбук сумкасида полиэтилен пакетга ўралган 202,7 грамм оғирликдаги «опий» гиёҳвандлик воситаси борлигини аниқлашди.

Юртимизда коронавирус пандемиясига қарши кураш олиб борилаётган синовли кунларда ишбу шахс

қонун-қоидаларни менсимасдан автотомашинани ноқонуний равишда бошқариб, жиноят содир этганлиги ачинарлидир. «Қилмиш-қидирмиш» деганларидек, энди бу шахс ўз қингирликлари учун қонун олдида жавоб беради.

Ҳозирда юқоридаги ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

*Тошкент шаҳар божхона  
бошқармаси  
Ахборот хизмати.*



<p><b>СОЛИК 44 БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ</b></p> <p>Модулярий-иқтисодий, ахборот-хуқуқий газета</p> <p><b>ТАЪСИСЧИ</b> «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Хафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Фарҳод Собирович</b></p> <p>ҚўРБОНБОЕВ</p>	<p>Нашр учун масъул – Бош муҳаррир Уринбосари, масъул котиб Ноидр Носирович <b>АЛИМОВ</b></p> <p>Саҳифаловчи <b>Наталья БАРАНОВА</b></p>	<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Талимаржон кўч., 1/1 <b>ТЕЛЕФОН/ФАКС</b> Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p> <p>Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ, Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма Ғ-515. Адади 640. Газета 2020 йил 11 май соат 16.00 да топширилди.</p>
---	---	--	--	---